O'zingni angla!

# Hurriyat

Mustaqil gazeta

**Шавкат МИРЗИЁЕВ:**

*Эл-юртимиз депутатлар тимсолида қонун ва ахлоқ-одоб мезонларини бузган мансабдорларга қарши тура оладиган талабчан курашчини, халқ дардини қўрқмасдан кўтариб чиқадиган ўз ҳимоячиси, ўз вакилини кўришни истайди.*

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru ✱ www.uzhurriyat.uz ✱ 2020-yil 22-yanvar, chorshanba ✱ № 4 (1168)

## ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

**Алқисса, Юртбошимиз ҳақли тарзда айтганидек, билимли депутатларимиз кўп бўлиши учун эса бутун мамлакат аҳли китобга қайтиши керак. Шунда парламенту бошқарув тизимида адолатли, халқпарвар инсонларнинг сони ортади.**

⇨ 3-бет

## ИШОН, АММО ТЕКШИРИБ КЎР!

**Блогер жамиятнинг бир бўлаги, маълум бир ижтимоий қатламнинг вакили ҳисобланса-да, у тўлиқ маънода журналистнинг вазифасини бажара олмайди. Қонунга асосланган жамиятда блогернинг ҳаққоний ва холислиги шахсий қарашлари сифатида баҳоланади.**

⇨ 4-бет

## ЮРГАН ДАРЁ ДЕРЛАР, ЮРМАГАН БЎЙРО...

*Дунёдаги етти мўъжиза бири –*
*Хеопс мақбараси – не унинг сири?*
*Фиръавн ўз қабрини яшириш учун*
*Кўрсатиб бор зулму бойлигин кучин –*
*Ясатмиш осмон бўйи бир дахма,*
*Унга маҳлиёдир келганлар – ҳамма.*

⇨ 7-бет

*Аввал хабар қилинганидек, шу йил 20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Қуйида ана шу нутқ матни эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли Сенат аъзолари!

Қадрли дўстлар!

Аввало, сизларни сайловларда ғолиб бўлиб, сенатор деган юксак номга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий мубораксбод этаман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Олий Мажлис юқори палатасининг аввалги таркибида самарали фаолият олиб борган сенаторларга барчамизнинг номимиздан миннатдорчилик билдираман.

Албатта, олий вакиллик органи аъзоси бўлиш ҳар бир сенатор учун нафақат катта шараф, балки улкан масъулият ҳам эканини барчангиз яхши тушунасиз.

**Сенатор – бу аввало халқ ва давлат ишончини қозонган инсон. У чуқур билим, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган, тинимсиз меҳнат қилиб, ташаббус кўрсатиб яшайдиган, халқ манфаатларини доимо биринчи ўринга қўйиб, ўз тақдирини эл-юрт тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрадиган шахсдир.**

Биз сизларнинг тимсолингизда ана шундай етук ва фаол шахсларни тасаввур қиламиз.

Таъкидлаш жоизки, Сенатнинг янги таркиби анча юқори профессионал даражада шакилланди. Буни Сенат аъзоларининг 20 нафарини иқтисодчилар, 19 нафарини муҳандислар, 13 нафарини педагоглар, 7 нафарини ҳуқуқшуносларни, 6 нафарини тиббиёт ходимлари, 5 нафарини агрономлар, 4 нафарини журналистлар ҳамда 12 нафарини жамоат ташкилотлари вакиллари ташкил этгани, уларнинг орасида 16 нафар фан доктори, 12 нафар фан номзоди мавжудлиги ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, Сенат аъзоларининг салкам 25 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиб, бу эса юқори палатанинг фаолияти янгича ёндашув ва қарашлар асосида ташкил этилишидан далолат беради.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйган кейинги уч йил Сенат учун ҳам ўзига хос туб янгиланиш ва ўзгаришлар даври бўлди. Сенат томонидан кўриб чиқилган қонунлар сони қарийб 230 тага етгани ва шундан 190 та қонун сўнгги уч йилда маъқулланганги ушбу йўналишда катта иш қилинганини кўрсатади. Бу борадаги ижобий ўзгаришлар нафақат қонунларнинг сони, балки уларнинг сифати билан ҳам боғлиқ, десак, тўғри бўлади.

Шу ўринда Сенат қўмиталари томонидан муҳим ташаббуслар илгари сурилгани ва улар кўплаб долзарб масалалар ечимига хизмат қилганини таъкидлаш лозим. Мисол учун, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг суғурта бозори самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлари мазкур соҳани такомиллаштиришга оид муҳим қарорларда ўз ифодасини топди.

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳам кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифларни инобатга олиб, муҳим ташаббусни илгари сурди. Ҳозирги вақтда шу асосда тўй ва маросимлар ўтказишни тартибга солиш бўйича амалий чора-тадбирлар ҳаётга жорий этилмоқда. Энг муҳими, уларни халқимиз қўллаб-қувватламоқда.

Бундан ташқари, Сенатда ички ишлар ва ташқи ишлар вазирларининг ахборотларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Сенатнинг ялпи мажлисларида вилоят ҳокимларининг ҳисоботларини эшитиш тартиби жорий этилгани парламент назорати соҳасидаги катта амалий натижа, дейиш мумкин.

Шунингдек, халқаро муносабатлар соҳасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган ҳамкорлик ифодаси сифатида Сенатда 25 та парламентлараро гуруҳ ва 2 та комиссия фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳурматли сенаторлар!

Юқори палата ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида яқин ва узоқ истиқболда қўйидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайман.

**Биринчидан**, аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг самарали тизимини яратишимиз лозим.

Уч йил олдин сенаторлар томонидан, бевосита жойларга чиққан ҳолда, ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиш ва маҳаллий кенгашларда муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Бироқ, ҳозирча бу биз кутган натижаларни берди, деб айта олмаймиз. Жойларда ҳали жуда кўп муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Масалан, йўл қурилиши соҳасида жами 184 минг километр бўлган автомобиль йўлларининг 70 минг километри ёки 38 фоизи қайта қуришга муҳтож.

Одамларнинг энг кўп эътирозига сабаб бўлаётган коммунал хизмат соҳасини оладиган бўлсак, бу борада ҳам бир қатор муаммолар кузатилмоқда. Масалан, мавжуд 633 та қозонхонанинг 25 фоизи ҳамда 4 минг километр иссиқлик тармоғининг 75 фоизи яроқсиз аҳволда.

Энг ачинарлиси, республикамизда марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси атиги 68 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида 60 фоиздан ҳам паст бўлиб қолмоқда.

Шаҳарсозлик соҳасида мамлакатимизда 1 минг 200 та аҳоли пунктидан фақат 232 таси ёки 19 фоизи бош режасига эга. Соғлиқни сақлаш соҳасида республикамиз бўйича 13 мингта умумий амалиёт врачлари ва тор йўналишдаги мутахассислар етишмайди.

2019-2020 ўқув йилида умумтаълим мактабларида 2 минг 700 дан ортиқ педагог кадрларга эҳтиёж мавжуд бўлса, мактабларнинг жиҳозланиш даражаси 79 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, 3 мингта мактабда ичимлик суви ташиб келтирилади, 261 та мактаб эса сув билан таъминланмаган.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси 8,9 фоизни, аёллар ўртасида 12,5 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида 2 минг 400 та меҳнат ярмаркаси ўтказилган. Шунга қарамасдан, иш излаганларнинг жуда кам қисми ишга жойлаштирилган.

Албатта, узоқ вақт давомида халқ билан яқиндан мулоқот қилинмагани, унинг дарду ташвишларини атрофлича ўрганиб, ҳал этиш чоралари кўрилмагани оқибатида мана шундай ижтимоий муаммолар тўпланиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Биз бу масалаларнинг ечимини топиш мақсадида муҳим дастурлар қабул қилиб, шу асосда катта ишларни амалга ошираётганимиздан, ўйлайманки, барчангиз хабардорсиз. Бу муаммоларни тўлиқ бартараф этиш учун албатта вақт керак, улкан маблағ ва куч-имкониятлар зарур. Марказда ва жойларда ижро органларининг бутун фаолияти ана шу масалаларга қаратилаётгани ҳам сизларга яхши маълум.

Ўз навбатида, сенаторларимиз ҳам бу борада ташаббус ва ташкилотчиликни ўз қўлларига олиб, аниқ таклифлар киритсалар, айни муддао бўлар эди.

*(Давоми 2-бетда).*

**ҚАРОР**

## Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тасдиқланди

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловда бошқа сиёсий партиялардан кўп — яъни 53 нафар депутатлик ўрнини эгаллаган эди. Партиянинг яқинда бўлиб ўтган Сиёсий кенгаши мажлисида Бош вазир номзоди кўриб чиқилди ва Президентга тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Абдулла Арипов номзодини тавсия этди.

Олий Мажлис палаталари Абдулла Ариповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**Тошкент шаҳрида 21 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда ҳукумат аъзолари, марказий идоралар раҳбарлари, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Депутатлар ва сенаторлар қўшма мажлисни ўтказиш бўйича муваққат котибият ва мажлисда электрон тизимдан фойдаланиш устидан назорат гуруҳини сайладилар, кун тартиби тасдиқланди.

Қўшма мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, мамлакатимизни янада тараққий эттириш юзасидан устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратди. Бу борада муҳим таклифларни илгари суриб, уларни амалга ошириш бўйича янгидан тасдиқланадиган ҳукумат олдида турган асосий вазифалар хусусида тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Абдулла Арипов номзодини тавсия этди.

Абдулла Арипов қўшма мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури ҳақида нутқ сўзлади.

Олий Мажлис палаталари Абдулла Ариповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ўз ишини якунлади.

ЎзА

## Иброҳим Абдурахмонов бугун аскар бўлса, нима қиларди?

3

## "Эҳтиёж туғилганда гаплашар" эмиш...

**ёки ОАВ билан ҳамкорлик қачон яхшиланади?**

4

## Япония Оролбўйи ҳудудига 3,2 миллион доллар ажратди

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст фондига асос солинган эди.

"Тараққиёт стратегияси" марказининг хабар беришича, бугунги кунга келиб жамғарма Оролбўйи ҳудудида лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида Норвегия, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни ўрнатди. Норвегия 1,1 миллион евро ажратди, Европа Иттифоқи томонидан 5 миллион евро берилиши маълум қилинди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2019 йилнинг декабрь ойида Японияга расмий ташрифи натижаси ўлароқ, кунчиқар мамлакат Оролбўйи ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш учун 3,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди.



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Шу боис, Сенатнинг ҳар бир қўмитаси ўз фаолият режасини ҳудудий муаммолардан келиб чиқиб шакллантириши лозим.

Айниқса, Сенатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича тасдиқланган индикаторларга эришилиши устидан мониторинг олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Чунки, юқорида санаб ўтилган барча муаммолар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳангдир.

Шунингдек, ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат кенгаши ва қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш зарур. Бу амалиёт аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш имконини беради.

**Иккинчидан,** ислоҳотларимизнинг бугунги босқичи Ҳукумат, барча вазирлик ва идоралар ҳамда ҳокимликлар олдига кескин талаблар қўймоқда. Бу талаблар қонунларда, Президент фармонлари ва қарорларида, турли давлат ва ҳудудий дастурларда ўз ифодасини топган.

Шунинг учун вазирлик ва идоралар раҳбарлари кўпроқ ҳудудларда бўлиб, жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилаб олмоқда. Лекин, уларнинг ижросини ким назорат қилади? Албатта, халқ ишончига сазовор бўлган сенаторлар бу борада асосий ташаббускор бўлиб, масъулиятни ўз зиммасига олишлари зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Сенат вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимларнинг мазкур чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисоботини мунтазам муҳокама қилиб бориши лозим. Бу жараёнда ҳисобот шунчаки ҳисобот учун бўлиб қолмаслиги керак. Аксинча, ҳисоботлар муҳокамасидан сўнг муайян соҳа ёки ҳудудда аниқ ўзгаришлар бўлиши зарур.

Ўйлайманки, парламент назорати натижалари асосида фаолияти қониқарсиз, деб топилган раҳбарларнинг лавозимда қолиш ёки қолмаслик масаласи бўйича Сенат томонидан Ҳукумат олдига масала қўядиган ва таъсирчан чоралар кўрадиган вақт келди.

Амалдаги қонунларга асосан Сенат парламент назорати натижалари бўйича ҳатто Ҳукумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида Президентга таклиф киритиши мумкин.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, ҳурматли Сенат аъзоларига мурожаат қилиб айтмоқчиман: аниқ таҳлил ва асослар билан киритилган таклифларни мен кўриб чиқишга тайёрман.

**Учинчидан,** ёшлар ва таълим масалалари Сенатнинг доимий эътиборида бўлиши керак.

Абдулла Авлонийнинг **"Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир"**, деган сўзларини такрор ва такрор айтишдан чарчамайман. Нега деганда, бу фикр бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз лозим.

Ёшларимиз кимнинг авлодлари эканини чуқур англашлари керак. Айни вақтда бугунги ислоҳот ва ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмаётганини билишлари зарур.

Яқинда ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувда жорий йилда ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш ясаш бўйича улкан мақсадларни белгилаб олдик. Хусусан, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаши учун шароит яратиш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, айниқса, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг муаммолари билан мунтазам равишда шуғулланиш, қиз болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, шунингдек, маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар ижросини Сенат назорат қилиб, мутасадди раҳбарларнинг ёшлар муаммоларини ҳал этиш борасидаги фаолиятига оид ҳисоботларини эшитиб, тегишли чоралар кўриб борса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Тўртинчидан,** Сенат ҳудудий вакиллик палатаси сифатида Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиши ва унинг ижроси устидан парламент назоратини ўрнатиши зарур.

Биз 2020 йил учун Давлат бюджетини биринчи марта қонун билан тасдиқлаш амалиётини бошладик. Конституциямизга мувофиқ, бюджетни қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколати ҳисобланади.

Аммо, қонунларда бюджет ижросини фақат Қонунчилик палатаси томонидан назорат қилиш тартиблари белгиланган. Ажратилаётган маблағларнинг вазирлик ва идоралар бўйича, айниқса, ҳудудлар кесимидаги ижросини ўрганиш Сенатнинг ҳам асосий вазифаси бўлиши лозим. Шу муносабат билан қонунларга тегишли тузатишлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Сизларга яхши маълумки, Қонунчилик палатасида Давлат бюджети бошқармаси ташкил этилган эди. Бу қисқа муддатда ўзининг дастлабки ижобий натижаларини кўрсата бошлади. Юқори палатамизда ҳам ана шундай фаолиятни амалга ошириш мақсадида Сенатда алоҳида тузилма ташкил этишни таклиф қиламан. Ушбу тузилма Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш жараёнлари устидан ҳудудлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда назорат олиб боришда сенаторларнинг асосий кўмакчиси бўлади, деб ишонаман.

**Бешинчидан,** жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги долзарб масалаларни ҳал этишда парламент сўрови институтидан самарали фойдаланиш зарур.

2010-2014 йилларда Сенат томонидан атиги 3 та парламент сўрови юборилган бўлса, сўнгги беш йилда 26 та парламент сўрови ва 700 дан ортиқ сенатор сўрови юборилган. Келгусида парламент сўрови алоҳида вилоят, туман, шаҳар миқёсидаги долзарб масалаларни ҳам қамраб олса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бироқ, сенатор сўровларининг сифати ва натижадорлигини ошириш бўйича ҳали олдимизда кўп ишлар турибди.

Афсуски, давлат бошқаруви органлари томонидан сенаторларнинг сўровларига жавоб бермаслик ҳолатлари ҳам мавжуд.

Таъкидлаб айтмоқчиман, **сенатор сўровига беписандлик – бу халққа бўлган беписандлик, деб баҳоланиши керак.** Бундай ҳолатга йўл қўймаслик учун сенатор сўровини ҳудудлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш, унинг натижасига оид ахборотни Сенатнинг қўмита мажлислари ва ялпи мажлисларида муҳокама қилиш зарур.

**Олтинчидан**, Сенатнинг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини, улар фаолиятига амалий ва услубий кўмак кўрсатиш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш лозим.

Афсуски, бугунги кунда юқори палатамизнинг бу борадаги фаолияти сустлигича қолмоқда. Энг ачинарлиси, маҳаллий Кенгашлар ҳудудлардаги долзарб масалалар ечимини топишда ўз ваколатларидан деярли фойдаланмаяпти.

Маълумки, сўнгги даврда, айниқса, охирги уч йилда маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, ҳоким, ҳоким ўринбосарлари, прокуратура, адлия, ички ишлар, молия, солиқ ва соғлиқни сақлаш идоралари раҳбарларининг ҳисобдорлиги белгилаб қўйилди.

Қонунчиликда маҳаллий Кенгашларга бундай кенг ваколатлар берилган бўлса-да, амалда уларнинг натижаси кўринмаяпти. Сенат қўмиталари маҳаллий Кенгашлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўймагани ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

Кенгашлар фаолият самарадорлигини оширишда мен, биринчи навбатда, сиз, муҳтарам сенаторларга суянаман. Шунинг учун доимий асосда ишлайдиган сенаторларни маҳаллий Кенгашларга бириктиришни назарда тутадиган янги тизим яратиш лозим. Буни сайловларда кузатувчи бўлиб иштирок этган халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам тавсия этишган.

Аслида сенаторлар ҳудудлар манфаатини ҳимоя қиладилар. Шунинг учун сенаторларимиз ҳар ойда биттадан маҳаллий Кенгашни намунавий ишлайдиган қилиб берсалар, албатта халқимиз улардан рози бўлади.

Шу муносабат билан маҳаллий Кенгашларда сенаторнинг кабинетини ташкил этиш ўринли бўлади. Шу билан бирга, Сенат Раиси, ҳудудларда барча сенаторларни жалб қилган ҳолда, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг тизимли ўқувини ташкил этиш амалиётини жорий этиши лозим.

Сенат Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда, мутлақо янги бўлган тизимни, яъни Сенаторлар мактабини шакллантириши керак. Чунки, **жойларда депутатлар корпуси қанчалик кучли бўлса, маҳаллий Кенгашлар ва албатта Сенат ҳам шунчалик кучли бўлади.**

Ҳурматли сенаторлар, мен сизларнинг ҳар бирингизни кўпни кўрган, халқ ичида катта обрў-эътиборга эга, жойлардаги муаммоларни ва уларни ҳал қилиш йўлларини яхши биладиган одамлар деб биламан. Барчангиз фидокор ва ташаббускор бўлиб, ўз амалий ишларингиз билан сенатор сифатида мамлакатимиз тарихида ном қолдиришингизни истайман.

Энди ижро ҳокимияти ёмон ишламоқда, деб нолиб ўтирадиган вақт ўтди. Ижро органи фаолияти устидан ким назорат олиб бориши керак? Аввало, сенаторлар эмасми?

Қуйи кенгашлар қанчалик фаол бўлса, Сенатнинг иши шунча самарали бўлади. Жойлардаги ижро органларини фаол ишлатиш кўп жиҳатдан сенаторларимизга боғлиқ.

Сенаторлар жойлардаги раҳбарлар ҳисоботини эшитиши, мамлакатимиз даражасида ҳал қилинадиган масалаларни Сенат муҳокамасига киритиб бориши керак. Ушбу фаолиятни самарали ташкил этиш ва маҳаллий Кенгашларнинг иш сифатини ошириш мақсадида уларда доимий асосда ишлайдиган котибият ташкил этишни таклиф қиламан.

Шунингдек, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, Кенгашларга вазирлик ва идоралар ҳудудий тузилмалари раҳбарларининг ўз лавозимига лойиқлиги юзасидан таклиф киритиш ваколатини берсак, нима дейсизлар?

Маълумки, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунда Кенгашларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлган қарорлари Олий Мажлис томонидан белгиланган тартибда бекор қилиниши назарда тутилган. Бироқ, шу кунга қадар ушбу нормани амалга ошириш механизми ишлаб чиқилмаган.

Сенат ҳудудий вакиллик палатаси эканини инобатга олиб, Кенгашларнинг қонунга зид қарорларини бекор қилиш ваколатини юқори палатага бериш тўғри бўлади, деб ўйлайман.

**Еттинчидан,** коррупцияга қарши кескин курашиш муҳитини яратишда Сенатнинг ролини кучайтириш зарур.

Бугунги кунда давлат хизматчилари, ҳатто юқори лавозимлардаги масъул шахслар томонидан содир этилаётган коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳам фош этилмоқда. Бу ҳақдаги хабарлар оммавий ахборот воситаларида тез-тез эълон қилинмоқда. Айниқса, муайян ҳудуд тақдири ишониб топширилган айрим мансабдорларнинг порахўрлик ва коррупция жиноятига қўл ураётгани ташвишли ҳолдир.

Жойлардаги раҳбарларнинг қонунга зид фаолияти доимо ҳудудларда фаолият олиб бораётган сенаторларнинг эътибор марказида бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир сенатор коррупцияга қарши курашнинг олдинги сафларида бўлиши шарт. Сенат аъзолари жамиятда қизғин баҳсларга сабаб бўлган ҳолатлар юзасидан, ялпи мажлисни кутиб ўтирмасдан, тезкор эшитувлар ташкил этиб, мутасадди шахслардан изоҳ талаб қилиши зарур.

**Саккизинчидан,** жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш масаласи Сенатнинг доимий эътиборида бўлиши керак.

Сўнгги йилларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида бир қатор ишларни амалга оширдик. Бироқ, бу соҳада олдимизда ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Масалан, ўтган йили мамлакатимиз бўйича жиноят содир этган 47 мингдан ортиқ шахснинг 12 минг нафари ёки 25 фоизини ёшлар ташкил этган.

Бу кўрсаткич Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 39 фоиздан иборат бўлса, Андижон ва Наманган вилоятларида 38 фоиздан ошган. Лекин, минг афсуски, ана шу вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Сенатнинг сайёр мажлислари ўтказилиб, бундай ўта ташвишли ҳолат жиддий муҳокама қилинмаган. Ҳамма четда томошабин бўлиб ўтирибди.

Ўзингиз айтинг, бу аҳволда эртага қандай вазиятга тушиб қоламиз?

Бундай бепарволик ва эътиборсизлик энди тарихда қолиши керак. Янги сенаторларимиз ҳар бир масала бўйича тезкор муносабат билдиришлари ва зарур чора-тадбирлар кўриб боришлари лозим.

Бундан ташқари, безорилик ва фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар сони ортиб бормоқда. Шунинг учун жойларда жиноятчиликка қарши кураш олиб борадиган идоралар фаолияти сенаторларнинг доимий назоратида бўлиши лозим.

Хабарингиз бор, сўнгги 3 йилда ўз қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 4 мингдан ортиқ шахс афв этилиб, ўз яқинлари бағрига қайтарилди. Ўйлайманки, бу инсонлар келгусида ҳаётда ўз ўринларини топишида ҳам сенаторларнинг алоҳида ҳиссаси бўлади.

Агар ўз вақтида зарур чораларни кўриб, афв этилганларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминламасак, афв этиш тўғрисида биз қабул қилган фармонларнинг обрўси, таъсири нима бўлади?

**Тўққизинчидан,** Сенат давлат идораларининг жамиятда хотин-қизлар ролини ошириш борасидаги фаолияти устидан назоратни кучайтириши лозим.

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастури доирасида қатор чора-тадбирлар белгиланган. Барча даражадаги раҳбарларга аёллар, айниқса, ёш қизларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни замонавий касб-ҳунарларга ўргатишни асосий вазифа сифатида белгиладик.

Ана шу вазифалар ижросини ташкил этиш ва назорат қилишда Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси муайян иш олиб бормоқда. Келгусида ҳам мазкур қўмита гендер тенгликни таъминлаш, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигига кўмаклашишга оид вазифалар ижросини мунтазам ўрганиб бориши зарур. Бунинг натижаси бўйича масъул идоралар раҳбарларининг ҳисоботини эшитиб, уларнинг фаолият самарадорлигини оширишга кўмаклашиш лозим.

Албатта, Сенатда бу борада озми-кўпми ишлар қилинмоқда. Лекин, афсуски, маҳаллий Кенгашларда бу масала бўйича эътиборга лойиқ муҳокамалар деярли ўтказилмаган.

Ижро органларида, вазирлик ва идораларда гендер тенгликни таъминлаш, муҳтарама опа-сингилларимизга масъул лавозимларни ишониб топшириш бўйича кўп иш қилишимиз керак. Нега деганда, аёлларимиз ҳаётий муаммоларни бошқалардан кўра чуқурроқ билиши, фидойилиги, кучли масъулият туйғуси, меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнак бўлади.

**Ўнинчидан,** Сенат фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишларни янада кучайтириш зарур.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқори палатамиз жамоатчилик, айниқса, оммавий ахборот воситалари билан узвий ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Сенат фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилди ва юқори палатанинг махсус веб-портали яратилди.

Сўнгги пайтларда Сенат мажлисларини жонли эфир орқали намойиш қилиш амалиётининг жорий этилиши халқчил парламентни шакллантиришнинг муҳим омили ва халқ олдида ҳисобот беришнинг самарали воситасига айланмоқда. Ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни тизимли равишда давом эттириш зарур. Шунингдек, Сенатда бу борадаги ижобий амалиётни маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ҳам жорий этиш яхши натижа беради, деб ўйлайман.

Навбатдаги долзарб вазифа – парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Бу борада муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Икки палатали парламент ташкил этилганидан бошлаб ҳозирги кунга қадар жами 9 та қонун Сенат томонидан рад этилган. Ушбу кўрсаткич 2005 йилдан бугунги кунгача қабул қилинган барча қонунларнинг атиги 1,5 фоизини ташкил этади. Мазкур кўрсаткич аксарият ривожланган давлатларда бундан бир неча бор юқори эканини қайд этмоқчиман.

Биз қонуннинг Сенат томонидан рад этилишига салбий ҳолат деб эмас, аксинча, сифатли қонунларни қабул қилишга қаратилган демократик жараён сифатида баҳо беришимиз лозим.

Яна бир муҳим масала – қонунлар ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш Сенатнинг конституциявий ваколати ҳисобланади.

Айрим ҳолларда қонунларни амалга ошириш механизми бўлмагани уларнинг тўлиқ ишламаслигига сабаб бўлмоқда. Хусусан, бундай механизм қонуности ҳужжатларида назарда тутилган бўлса-да, уларда ўзаро мувофиқ келмайдиган ҳолатлар мавжуд.

Давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш бевосита Адлия вазирлигининг вазифаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Адлия вазирлигининг бу борадаги фаолияти парламент назоратининг марказида бўлиши лозим.

Маълумки, парламент фаолиятини сифатли ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлаш мақсадида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилган эди. Ислоҳот талабларидан келиб чиқиб, мазкур институт фаолиятини янада кучайтиришимиз, уни депутат ва сенаторларнинг чинакам кўмакчисига айлантиришимиз лозим. Хусусан, қонун лойиҳаларининг қизғин муҳокамасини ўтказиш ва қабул қилинган қонунларнинг амалиётдаги таъсирчанлигини баҳолаш бўйича институт фаолиятининг самарадорлигини ошириш талаб этилади. Шу боисдан ҳам парламент мазкур институт фаолиятини тубдан такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Яна бир муҳим масала – хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда юқори палатанинг ролини янада кучайтириш лозим.

Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтириш, халқаро алоқаларини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш Сенатнинг муҳим вазифаси бўлиб қолади. Сенатнинг ушбу йўналишдаги фаолияти самарасини кучайтириш мақсадида ҳар йили аниқ бир мавзуга бағишланган халқаро конференциялар, учрашув ва форумлар ўтказиш учун режалар ишлаб чиқиш ва уларни Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда амалга ошириш лозим. Масалан, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқа долзарб масалаларни кенг муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир.

Сенат хорижий давлатлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича ҳар йили дастурлар қабул қилиб, ижросини қатъий назоратга олса, бу яхши амалиёт бўлган бўларди. Шу мақсадда Парламент дипломатияси концепциясини қабул қилишни тезлаштириш керак.

Шу билан бирга, Парламентлараро Иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро ассамблеяси билан ўзаро ҳамкорликни аниқ ва узоқ муддатли иш режалари асосида давом эттириш лозим. Бундан ташқари, Олий Мажлис аъзо бўлиши кутилаётган Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси ва бошқа халқаро парламент тузилмалари доирасида ҳам ҳамкорликни кучайтириш керак.

Бу борада бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги элчиларини тайинлаш Сенатнинг вазифаси бўлиб, бу жараёнда уларнинг келгуси фаолияти ва ишларини белгилаб олган дастурлари эшитилади. Лекин, ундан кейин-чи? Сенат билан элчиларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантиришга зарурат борми? Албатта, бор. Шу сабабли Сенатнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги вазифаларини амалга оширишда юқори палатада Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш амалиётини йўлга қўйишимиз керак.

Ҳурматли сенаторлар!

Энди кун тартибига киритилган ташкилий масалага ўтадиган бўлсак, аввало, Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишимиз зарур.

Маълумки, Конституциямизнинг 93-моддасига мувофиқ, Сенат Раислигига номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилиши белгилаб қўйилган. Ана шу нормага асосан, кўпчилик, жумладан, тажрибали сенаторлар билан маслаҳатлашиб, чуқур ўйлаган ҳолда, мен Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига сенатор Танзила Камаловна Нарбаева номзодини тақдим этмоқчиман.

Танзила Камаловна сўнгги 30 йилда турли масъулиятли раҳбарлик лавозимларида самарали меҳнат қилиб келмоқда. 1995-2010 йилларда Вазирлар Маҳкамасида оналик ва болалик, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза масалалари билан шуғулланган. 2010-2016 йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси, 2016-2019 йилларда Бош вазир ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимларида самарали меҳнат қилди. Охирги олти ойда Сенат Раиси сифатида катта ишларни амалга оширди.

Танзила Камаловна бошқарув, жамоат ишларида катта тажриба тўплаган малакали раҳбар кадрларимиздан бири, десак, муболаға бўлмайди.

Муҳтарам сенаторлар!

Бугун барчангиз ушбу номзодни тўлиқ қўллаб-қувватлаганингиз ва ўз ҳурматингизни билдирганингиз Танзила Камаловнага катта ишонч ва ғайрат бағишлаши шубҳасиз.

Ҳурматли Танзила Камаловна, Сизга масъулиятли фаолиятингизда янги омадлар ва улкан зафарлар тилайман.

Энди Сенат Раисининг ўринбосарлари лавозимига номзодлар ҳақида гапирадиган бўлсак, мен бу вазифаларга қуйидаги номзодларни тавсия этмоқчиман.

Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига сенатор Содиқ Солиҳович Сафоев номзодини тавсия этаман.

Бу киши салкам 30 йил давомида ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий масалалар соҳасида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Турли йилларда ташқи ишлар вазири, Ўзбекистоннинг Германия ва АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси бўлиб ишлаган. 2005-2016 йилларда Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси, 2016 йилдан буён эса Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Содиқ Солиҳовични барчангиз моҳир дипломат, халқаро майдонда танилган жамоат арбоби сифатида яхши биласиз. Бу раҳбар ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муносиб адо этишига тилакдошман.

Сенат Раиси ўринбосари лавозимига сенатор Муса Тажетдинович Ерниязов номзодини тавсия этаман.

Бу олижаноб инсон, оқсоқолимиз ўз фаолиятини қурилиш соҳасидан бошлаб, кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари лавозимида хизмат қилган. Қорақалпоқ элининг катта ҳурмат ва эҳтиромини қозониб, 2002 йилдан буён Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, бир пайтнинг ўзида Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари сифатида ишлаб келмоқда.

Ўтган йили мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ислоҳотлар жараёнларидаги фидойилиги, ибратли фаолияти учун Муса Тажетдиновичга Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон берилганидан барчангиз хабардорсиз.

Бу кўпни кўрган, тажрибали ва ташаббускор раҳбар, камтарин ва меҳнаткаш инсон билан сенаторлар биргаликда самарали ишлайдилар, деб ишонаман.

Сенат Раиси ўринбосари лавозимига сенатор Зайниддин Маҳаматович Низамходжаев номзодини тавсия этаман.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Қаҳрамони Зайниддин Маҳаматовични бу залда ўтирганларнинг ҳаммаси яхши танийди, деб ўйлайман. Узоқ йиллар давомида халқимизнинг сиҳат-саломатлиги, фан, таълим, маданият ва спорт соҳалари тараққиёти йўлида катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу киши охирги 5 йилда Олий Мажлиснинг тегишли қўмитаси раиси сифатида фаол иш олиб борди.

Зайниддин Маҳаматович янги масъулиятли лавозимда сизлар билан яқин ҳамкорликда муваффақиятли фаолият кўрсатишига ишонаман.

Ҳурматли Сенат аъзолари!

Албатта, ҳозир айтиб ўтилган вазифалар барча сенаторлардан юксак масъулият, ташаббускорлик ва фидойиликни талаб этади. Ушбу вазифаларнинг самарали амалга оширилиши Сенатни келгусида профессионал палатага айлантириш борасида дастлабки муҳим қадам бўлади, деб ишонаман.

**Бугун кўп миллатли халқимиз биз, раҳбарлардан, авваламбор, янги сайланган депутат ва сенаторлардан ҳаётимизни янада эркин, обод ва фаровон этишга қаратилган амалий ишларни кутмоқда. Барчамиз сайловчилар олдида, юртдошларимиз олдида бизга билдирилган юксак ишончга ҳар томонлама муносиб бўлишимиз керак.**

**Ҳар куни, ҳар соатда виждонимиз олдида ҳисобот бериб, ҳалол-пок бўлиб, эл-юрт манфаатини ўйлаб ишласак, мен аминман, халқимиз ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади.**

Мана шундай эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва омад тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

**ҒУРУР**

Яқинда Президентимиз раислигида ўтказилган Хавфсизлик кенгашининг миллий армиямизни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишда давлатимиз раҳбари муҳокамалар марказига мутлақо янги йўналишдаги ғояни, яъни миллий армиядаги ғурур-ифтихор, ватанпарварлик ва руҳиятни халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг онги ва қалбига етказиш энг олий вазифа эканлигини таъкидладилар.

# “Ўзим Ватан учун нима қилдим?”

Президентимиз аҳолини, аввало, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда армиянинг сафарбарлиги бўйича берган жуда муҳим топшириқлари замирида ўз ҳаётимизда кўрган ана шундай “икки томонлама мулоқот” ётганлигини англадик. Ўзимга савол бердим: бугун мен аскар бўлсам нима қилардим? Ҳеч иккиланмай айтаманки, ҳар бир ўспирин жигарларимга эринмай қоғозда мактуб ёзардим ва уларни ҳам мактуб орқали жавоб ёзишга ундардим. Бир нарса аниқ, одам қўлига қалам олиб ўз кечинмаларини, саволларини ва тилакларини қоғозга туширар экан, унинг “ҳақиқати” кўп бўлади ва бунда юқорида айтганимдек, ички ривожланиш, интеллект пайдо бўлади.

Миллий армия билан аҳоли орасидаги ҳануз мавжуд “девор”ни олиб ташлашга ва халқимиз мудофаа салоҳиятимиздан бохабар бўлиши кераклигига урғу бердилар. Шундагина ёшлар қайсидир мамлакатнинг ҳарбий кучига ҳавас билан қараш ўрнига, ўз ватанимиз армияси билан ғурурланади, фахрланади. Ёшларимиз Ватанни севиш ва ардоқлаш, тарихимиз ва бугунги кунимизни асраш йўлида бирлашади, келажакни яратишга ҳамжиҳатликда интилади. Ҳарбий қисмлар олдига ўз атрофидаги аҳолини ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, улар билан мулоқот ўрнатиб, адашганлар, хато йўлга кирганлар билан ишлаш ва ватанпарварлик маънавиятини шакллантириш каби катта вазифалар қўйилди.

Бу чорлов ва топшириқларни тинглар эканман, беихтиёр ёшликда қариндошуруғ, қишлоқдош акаларнинг армияга кетиши ва улар қайтгандан кейинги воқеликлар ёдимга тушди. Президентимиз айтганларидек, ҳарбий хизматга борган ва қишлоққа қайтган ҳар бир акаларимиз биз учун қаҳрамондек эди. Уларнинг юриштуришига, кийинишига ва гапларига ҳавас қилиб, улардек жасур, ватанпарвар, интизомли бўлишга ҳаракат қилардик.

Синфдош, дўст-тенгқурлар бир-биримиздан ўрнак олиб, хизматдаги акамизга хат ёзиб жўнатардик. Албатта уйдаги, қишлоқдаги бирор янгиликни қистириб ҳам кетардик. Конвертга жойлаб, почтага ҳеч кимга билдирмай ташлаб келардик. Кейин эса жавоб келарди, қувончлиси, хат билан фотосурат (албатта бирор ҳарбий кийим билан ёки ҳарбий техника ёнида) бўларди. Биз ҳам ҳарбийча либос кийишни жуда орзу қилардик.

Албатта, хатда улар бизни яхши ўқишга, “қулоқли” бола бўлишга, уй ишларида дастёр бўлишга ундашарди. Мактубга жавоб олиш катта ютуқдек эди, олинган мактуб бир томондан янада ҳарбий бўлишга ва улардек ватанга хизмат қилишга ундаса, иккинчи томондан бизга ишонаётган акаларимизга муносиб бўлишга чорларди.

Ўйлаб қарасам, ўша даврдаги мактуб орқали мулоқотлар, бугун Президентимиз айтганларидек, армиядаги маънавиятни бизнинг онгимизга муҳрланишида катта таъсир воситаси бўлган экан. Ўзим ҳам биринчи хатларимни амаким ва тоғамга ёзган эканман. Бу жуда машаққат бўлганини эслайман — нимани ёзаман, қайси янгиликни айтсам экан, қандай мақтанай, улардан нимани сўрай каби саволлар бошимда ғувуллаб айланган, демакки фикрни тўғри баён қилиш, кўрган-кечирганларимизни таҳлил қилишга ҳаракатлар айнан ўша пайтда бошланган. Ёш ука, сингил, жиянларидан хат олган аскар акаларга ҳам оғир бўлгандир. Ахир, жавоб ёзиш ҳам осонмас! Нима бўлганда ҳам биз уларга уйни эслатиб турсак, улар бизга армиядаги руҳиятни етказиб туришганини энди тушуниб етгандекман.

> Ўзимга савол бердим: бугун мен аскар бўлсам нима қилардим? Ҳеч иккиланмай айтаманки, ҳар бир ўспирин жигарларимга эринмай қоғозда мактуб ёзардим ва уларни ҳам мактуб орқали жавоб ёзишга ундардим. Бир нарса аниқ, одам қўлига қалам олиб ўз кечинмаларини, саволларини ва тилакларини қоғозга туширар экан, унинг “ҳақиқати” кўп бўлади ва бунда юқорида айтганимдек, ички ривожланиш, интеллект пайдо бўлади.

Албатта, ҳозирги замонавий технологиялар (мобиль алоқа, SMS, мессенжерлар ва ҳ.к.) пайдо бўлиб, почта хизматлари доираси торайиб кетган даврда бу бировга эриш туюлиши мумкин. Бироқ миллий армиямиздаги ғурур ва руҳиятни ҳар бир оиладаги мурғак қалбларга кириб боришида мактуб орқали мулоқотнинг ўрни беқиёслигига мен қаттиқ ишонаман.

Ушбу йиғилишда муҳтарам Президентимиз ҳар бир раҳбар олдига ўзим Ватан учун нима қиляпман ва қандай ишларни амалга ошираман, деган саволларни қўйишимизни уқтирдилар.

— Армия моддий жиҳатдан энг замонавий ва зарур воситалар билан таъминланган бўлиши мумкин, лекин ахлоқий жиҳатдан заифлиги, жанговар руҳи, Ватанга содиқлик ва муҳаббат, унинг тақдири учун масъулият ҳисси йўқлиги ёки лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин, — дея таъкидлади Юртбошимиз.

Йиғилишда ҳарбий салоҳиятни ошириш, замонавий технологияларни кенгроқ жалб қилиш, чегараларни қўриқлашни сим тўсиқлар билан эмас, замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация ҳамда робототехника технологияларидан фойдаланиб ташкил қилиш керaклиги алоҳида таъкидланди. Энди жамоатчилик тартибини сақлаш, илм-фанга асосланган тизим яратиш, ахборот хавфсизлиги ишларини амалга ошириш бўйича қатор топшириқлар берилди.

Тарихдан маълумки, инновацияларнинг яратилиши ва қўлланилиши учун энг мақбул майдон бу — ҳарбий платформалардир. Инновациялар айнан ҳарбий соҳадан халқ хўжалигининг турли соҳаларига кириб келган. Ҳозирда янги инновациялар ва ақлли маҳсулотлар яратишга қаратилган 10 дан ортиқ илмий фаолиятга оид грант лойиҳалари амалга оширилаётган бўлса, 2020 йили бу лойиҳалар сони икки баробаргача оширилиши бўйича давлат буюртмаси шакллантирилди. Ўзбекистон Фанлар академияси билан ҳамкорликда мудофаа саноатига мос асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва ахборот хавфсизлиги бўйича илмий лойиҳалар амалга оширилади. Ҳарбий соҳага робототехника ишланмаларини (масалан робот сапёр каби) татбиқ қилиш кенгайтирилади.

Вазирликда аэрокосмик тадқиқотлар бўйича замонавий лабораторияни ташкил қилиш ва илмий дастурлар шакллантириш чоралари кўрилади. Жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашда вазирлик томонидан ишлаб чиқилган “Ақлли шаҳар” концепциясининг амалий давоми сифатида айрим ҳудудларда “пилот” лойиҳалари амалга оширилади.

Мудофаа вазирлиги қошидаги янги ташкил қилинган Ахборот технологиялари ва алоқа институтида инновацион технологияларни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик дастури шакллантирилиб, замонавий мутахассислар тайёрлаш ишлари ва ҳарбий соҳага инновацион технологияларни жалб қилиш ҳамда талаба-курсантларда зарур кўникмаларни шакллантириш ишлари олиб борилади. Ушбу олиб борилаётган ва режадаги ишлар мамлакатимиз мудофаасининг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири.**

**МУНОСАБАТ**

Абдулла Ориповнинг “Тилла балиқча” шеъри ғоясини кўпчилик билади. Яъни, ташландиқ ушоқ еб, бор-йўғи мудроқ толларнинг аччиқ хазонини кўриб куни ўтаётган тилла балиқча тор, лойқа ҳовузни дунё деб билиши шоирга алам қилади. Менга ҳам алам қилади.

# Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ

2020 йилнинг 20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлисида давлат раҳбари муаммоларни танқид остига олиб, халқимизнинг дилидаги гапларни айтар экан, жумладан, шундай деди: “Дарҳақиқат, халқ вакиллари бўлган депутатлар ўз ваколатига асосланиб, жасур, талабчан ва қатъиятли бўлиши, фуқароларнинг манфаатига хизмат қилмайдиган қонунлар қабул қилинишига йўл қўймаслиги шарт”.

Ҳақ гаплар. Шу боис йиғилишда давлатимиз раҳбари депутат ва парламент аъзоларини кўпроқ китоб ўқишга ҳам ундади. Очиғи, одамлар орасида гоҳида шундай гаплар ҳам қулоққа чалинади: *“Баъзи қонун лойиҳаларини халқ манфаатидан келиб чиқиб эмас, кимлардир ўз манфаатларига мослаб, монополия яратиб, уни номига жамоатчилик муҳокамасига қўйиб, депутату парламент аъзоларига тасдиқлатиб, амалиётга жорий қилмоқда!”*

Ҳа, ўтган йиллар давомида шундай ҳужжатлар тақдим этилгани ҳам сир эмас. Ҳатто гўё ички ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш баҳонасида божхонамиз орқали четдан келадиган маиший техника воситалари чекланди. Ўзимиздаги нархи жуда баланд “миллий маҳсулот”имизни сотиб олишга “қонунан мажбурлайдиган” ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланди, маъқулланди. Хусусан, чегарамиздан Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси 6 ойда бор-йўғи 1 дона маиший техникани бир марта олиб ўтишга рухсат берувчи чекловлар “ўйлаб топилди”. Оқибатда маҳаллий бозордан айрим рақобатга мўрт маҳсулотларни ўзимиз сотиб олишимизга тўғри келди...

Бир неча кун аввал қўшнимиз — Гулнора опа “Гишткўприк” постидан қўнғироқ қилди ва шундай деди:

— Ука, телевидениеда ишлайдиган танишингиз йўқми?

— Тинчликми? Ўзим ишлайман.

— Қозоғистондан рўзғорга “холодильник” олиб келаётгандик, телевидение келган деб ўтказишмаяпти. Ўшанга ТВчиларга айтсак, ўтказиб юборадими, дейман-да!

— Божхона қўмитасининг матбуот хизматида касбдошим ишлайди, ҳозир унга айтиб кўраман, — дедим очиғи дабдурустдан нима дейишни билмай.

Дам олиш куни бўлгани учунми, касбдошим қўнғироғимга жавоб бермади. Хижолат бўлиб, қўшнимга вазиятни тушунтирдим. Шунда у: “Телевидениеда шунақа мавзуларни ёритсанглар, бўлмайдими?” — деди. Жавоб бера олмадим...

Кечагича ана шу қўшним билан учрашиб қолдим. Унинг айтишича, биздаги 3 000 000 сўмлик совутгични Чимкентдан 1 750 000 сўмга олибди. Чегара постида уларни бир-икки соат ушлаб туришибди, у ердагилар совутгич учун 1 млн. 100 минг сўм божхона ҳақи олмоқчи ҳам бўлишибди, аммо кейин “ниятларидан воз кечиб” ўтказиб юборишибди. Қўшним гурунг беряпти: “Биздаги 800 минг, 1 млн. сўмлик микротўлқинли печ Чимкентда 500 минг сўм, бизда 2 млн. сўмлик телевизорлар у ёқларда 1 миллион сўм экан”.

Тўғриси, Чимкентга борганим йўқ, шу боис нарх-навосидан ҳам ўзим шахсан хабардор эмасман. Мабодо қўшнимнинг гаплари рост бўлса, у ёқдаги маиший техникаларнинг русуми, сифати, қуввати, борингки ҳамма нарсаси биздагидек бир хил бўлса-ю нархида шунча тафовут бўлса, бу чиндан ҳам ғалати пародокс, шундай эмасми?

Бундай чекловлар шунчаки пайдо бўлмайди. Президент шунга ўхшаш ҳужжатлар қабул қилинишида уни бир овоздан қўллаб-қувватлайдиган қўғирчоқ депутатлар эмас, у ҳужжатларга Расул Кушербаевга ўхшаб, халқ манфаатидан келиб чиқиб ёндашадиган, маъновдор қилиб айтганда, жасоратли, китоб ўқиган — билимли шахсларнинг кўп бўлишини истаяпти. Халқ ҳам айнан шуни истайди!

Дарвоқе, 2019 йили катта пулга машиналарни “тонировка” қилиш бўйича ҳукумат қарори лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилган маҳал 150 депутат орасидан Кушербаевнинг битта ўзи бунга қарши чиқиб, унга таъсир қила олганда, кимдир интернетда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг барча депутатларига қарата шаъма қилиб ёзганди: “Кушербаев ва бошқалар!” Қанчалик аччиқ ҳақиқат эди ўша гап! Олий Мажлисда КУШЕРБАЕВ — бошқалар!

Кушербаев тўғри йўлда — халқ манфаати йўлида эканини халқимиз аллақачон тан олган. Бугун давлат раҳбари ҳам эътироф этди. Яъни, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сайловдан кейинги илк йиғилишда Президентимиз депутат Расул Кушербаевнинг фаолиятини юқори баҳолади.

“Айниқса, Расул тўғрисида кўп гаплар бўлади, ҳаммагаям ёқмайсан, менга ёқасан... Биринчи қадам билан, биз яхшиларимизга мана шундай эҳтиром кўрсатсак, бу ҳам тўғри бўлади”, — деди давлатимиз раҳбари.

Бу ҳақиқатнинг тан олиниши, бу очиқлик ва демократик давлат сари ташланаётган қадамларимиз. Қани, энди Қонунчилик палатасидаги қолган 149 нафар депутатнинг ҳаммаси ҳам Расул Кушербаевдек бўлса! Сайланган депутатларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқат тарафида бўлиб, халқ ишончини қозонган Кушербаевдай ишласа. Шундагина биз халқ ҳокимиятини қура оламиз.

Алқисса, Юртбошимиз ҳақли тарзда айтганидек, билимли депутатларимиз кўп бўлиши учун эса бутун мамлакат аҳли китобга қайтиши керак. Шунда парламенту бошқарув тизимида адолатли, халқпарвар инсонларнинг сони ортади.

Дарвоқе, ўша йиғинда Президентимиз: “Кўп одамларга журналистлар ёқмайди, лекин улар менга ёқади”, — деди. Бу сўз эркинлиги таъминланадиган, ҳақиқатталабларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинадиган ва адолатли жамият сари бораётганимизга исбот бўлувчи яхши “сигнал”. Аммо бу овозни ҳақиқат овозларига айлантириш эса кўпроқ ўзимизга боғлиқ.

**Фозил ФАРҲОД,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси матбуот хизмати раҳбари.**

**ЗИКР**

Шаҳардаги нуфузли оилалардан бири — Олимовлар хонадони...

Куни кеча бўлиб ўтган сайловда ғолиб чиққан ёш иқтисодчи олим Умид Олимов янги иш жойига жўнаш олдидан бобосининг олдига кириб:

— Оподода! Дуо қилиб беринг?! Мана, Тошкентга — Олий Мажлисга, ўз вазифамни бажариш учун кетаяпман, — деди, бироз тантанавор оҳангда.

# Олим бобонинг ўгити

Бобо набирасининг қувончдан порлаб турган кўзларига, эгнидаги ўзига ярашиб турган яп-янги қора костюми, қизил бўйинбоғига меҳр билан бир қараб қўяркан, аввал ўтириш учун биқинидан жой кўрсатди. Кейин (сайловда) ғолиб бўлганларнинг барчаларига Яратгандан куч-қувват, соғлик-омонлик тилаб дуога қўл очди. Ана ундан сўнг, ғурур ҳисси билан набирасига боқиб:

— Умиджон! Шукрлар бўлсинким, бугун элнинг юксак ишончини қозониб, мана шундай юқори мартабага эга бўлиб турибсан! Бу, халқимиз томонидан яхши ният билан сенга берилган “қарзи ҳасана” — омонат! Чунки, сен сайловчиларингни бу ишончлари эвазига ҳали ҳеч нарса берганинг йўқ-да! Тўғрими? Мард йигит эса омонатга хиёнат қилмайди! Буни яхши биласан.

Бобо сўзини бироз мутойибага буриб:

— Ё бирон, ўта қимматбаҳо нарсангни гаровга қўйиб кетмоқчимисан? — дея унинг кўзларига қараганди, набираси “йўқ!” дегандай, хижолатомуз жилмайиб бош чайқаб қўйди.

— Ҳа, баракалла! Билиб қўй! — дея сўзида давом этаркан, — одамлар сенинг лафзингга, берган ваъдаларингга ишониб, умид қилиб турибдилар! Улар ёлғон ваъдаларга тўйиб, зада бўлиб кетишган! Яна бир бор таъкидлаб қўяй: бу — жуда олий мақом, олий мартаба! Бизнинг жамиятимизда фуқаро учун бундан ортиқ мансаб борлигини билмайман! Неажабки, шу дамдан бошлаб сен нималарга қодир эканлигингни кўрсата оладиган, туну кун элнинг назарида бўладиган — катта кураш майдонига чиқасан! Ўқиб билим олдинг. Ҳукуматимизга раҳмат! Сизлар учун у жойда кўп нарсаларни: катта маош, шинам уй-жой, улов дегандай... муҳайё этиб қўйибдилар. Шундай тушун, булар ҳаммаси оддий халққа сен қанчалик ғамхўр эканлигингни кўрсатиш учун берилаётган имконият!..

Агар чиндан-да жонкуяр бўлсанг, юртингни севсанг, беш йил ичида, ўҳ-ҳў, жуда кўп ишларни амалга оширишинг мумкин. Бунинг учун, фақат ўзингни аямай, ҳалоллик билан куйиб-ёниб ишлашинг керак! Энди болам... жон қулоғинг билан эшит! Сенга биргина насиҳатим бор. Агар шунга қатъий амал қилсанг, ўшандагина ҳаммамизнинг ишончимизни оқлай оласан! Сен, аввало, ичингда яшириниб ётган ғаддор душманинг — нафс деб аталмиш ички балони енгиб, қул қилиб олишинг керак! Билиб қўй, шунинг уддасидан чиқа олсанггина, халқ хизматкори бўла оласан! Ёдингда бўлса, бир суҳбатимизда айтган эдим: кимки ўз нафсининг қули экан, у албатта бировнинг югурдагига айланади, деб. Ана ўшандан Худо асрасин! Ке, ўғлим, энди донишманд боболаримизга ҳам бир мурожаат этайлик-чи, бу ҳақда улар нималар ёзиб қолдирган эканлар, — дея китоб жавонидан ҳазрат Навоийнинг “Хамса”сини олиб, стол устига қўйди. Кўзойнагини тутиб, ундан “Ҳайратул аброр” достонини очди ва ширали овозда 13-мақолотдан ўша машҳур шоҳбайтларни ўқий бошлади:

*Одамий эрсанг демагил одами,*
*Оники йўқ, халқ ғамидин ғами.*

* * *

*Кўнгли киши хушлиғидин хуш керак,*
*Нохуш агар бўлса, мушавваш керак.*

Бобо дурдона сатрлардан нигоҳини оларкан:

— Қара-я! Дунёда инсонийлик бобида бундан-да ортиқ сўз бўлиши мумкинми, ахир?! — дея ҳайрат билан бош чайқаб, набирасининг ҳушёр тортган кўзларига қаради...

Шу дамда бобонинг серажин кўз қароғи четларида нимадир “йилт” этгандай бўлди...

Опоқдодасининг нуроний чеҳрасидан кўз узолмай қолган йигитнинг дилидан нималар ўтди экан-а?! Бобосининг чин дилдан айтаётган ўгитини дилига жо қилиб олдими, йўқми, бу ҳозирча фақат Аллоҳгагина аён, холос...

**Дурбек ҚЎЛДОШЕВ.**

## Энг зўр совға

**Андижон вилояти Избоскан тумани 38-умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 март куни белгилаб берган 5 та муҳим ташаббус доирасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, 4-ташаббус китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режасига асосан муассасада шу йил 9 январь куни китобхонлик акцияси ташкил этилди. Унда мактаб ўқувчилари, отаоналар, устозлар ва собиқ ўқувчилар иштирок этдилар. Мактаб кутубхонаси фонди янада бойитилди. Акция иштирокчилари кутубхонага 500 дан зиёд янги бадиий адабиёт совға қилдилар. Мактаб маъмурияти кутубхона фондини бойитишга ўз ҳиссасини қўшган иштирокчиларга миннатдорчилик билдирди.

**Дилфуза ШЕРМАТОВА.**

МАТБУОТ

# Ишон, аммо текшириб кўр!

**Ахборот маконида журналистлар қаторида блогерларнинг ҳам ўрни ортиб бормоқда. Жаҳон тажрибасидан маълумки, сўз эркинлиги таъминланган жамиятда журналист фаолияти хавфлилиги ортиб боради. Шу боис, блогер ва журналистнинг ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаати кўпаяди. Бири ўзига қилинган ноҳақликдан арз қилса, бири ҳуқуқи бузилган фуқаронинг ёнини олиб, "журналист текшируви" ўтказиши натижаси бўйича прокуратура ёки судга мурожаат қилиши мумкин.**

Ахборот олиш тўла кафолатланган жамиятда, албатта, сифатли ва самарали журналистика ҳажми, сифати ошади. Давлат ташкилотлари билан ОАВ орасидаги муносабатни муқобиллаштиришда юқори ташкилот ва идораларнинг матбуот хизматлари ўзига хос кўприк, воситачи бўлиб хизмат қилади. Бу жамият манфаати учун иш юритишда энг муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда айрим шахслар (гарчи соҳаси бошқа бўлса-да) ўзини блогер ёки журналист деб таништираётгани сир эмас. Шу ўринда бир савол туғилади: ижтимоий тармоқларда ўзининг шахсий аккаунти бўлган ҳар қандай фуқаро блогер бўла оладими? **Блогер жамиятнинг бир бўлаги, маълум бир ижтимоий қатламнинг вакили ҳисобланса-да, у тўлиқ маънода журналистнинг вазифасини бажара олмайди. Қонунга асосланган жамиятда блогернинг ҳаққоний ва холислиги шахсий қарашлари сифатида баҳоланади.**

Шунга қарамай, блогерлар журналистларга нисбатан бирмунча эркиндир. Уларнинг ёзганларига шахсий фикр сифатида қаралгани учун блогерлар жавобгар ҳисобланмайди. Бу эса ўз навбатида ахборот маконида блогернинг омма диққат марказига тез ва кўпроқ тушишига сабаб бўлади.

Сўз эркинлиги ва ахборот олиш кафолатлари, ахборот олиш ва тарқатиш борасидаги ҳуқуқлар умумжаҳон декларациясида ҳам ўз аксини топган. Масалан, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён қилиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги айтилган. Халқаро Фуқаролик Пактида ҳам ҳар бир инсон эркин фикр юритиш, жамиятда бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини билдириш ҳуқуқи кафолатланган. Албатта, бу ҳуқуқлар ўзига хос мажбуриятни ҳам юклайди. Масалан, ижтимоий воқеликка муносабат билдирилганда шахсга нисбатан ҳурмат сақлаш, фақат унинг олиб бораётган фаолияти ё қониқарли, ё қониқарсиз эканлиги фактлар асосида исботланган бўлиши лозим. Шахсни камситадиган, ҳақоратли сўз ва ибораларни қўллаш эса мутлақо мумкин эмас. Бунинг учун қонунчилигимизда тегишли жавобгарлик кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида сўз эркинлиги фақатгина давлат сири доирасида чегараланиши баён этилган. Журналист идора ёки ташкилотдан бирон ҳужжат талаб қилганда, аввало, талаб қилишга асоси бўлиши керак. Бу журналистнинг тегишли ахборотни талаб қилиб олишида хавфсизлигини кафолатлайди. Шунингдек, Ўзбекистонда ОАВлари ўз фаолиятида эркиндир ва цензурага йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, ҳар бир фуқаронинг ОАВ орқали ўз фикрларини баён қилишга ҳаққи бор. Бу эркинлик давлатимиз томонидан ҳам назоратга олинган. ОАВ фаолиятига ҳеч ким тўсиқ бўлолмайди. ОАВ, ўз навбатида, ахборотни олиш, излаш, тарқатиш ва маълумотларни сақлаш ҳуқуқига эга. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, ОАВ зиммасига ахборотнинг холис ва ҳаққоний бўлишини таъминлаш мажбурияти юклатилган. Ушбу тартиб бузилганда журналистга нисбатан қонуний чора қўлланилиши мумкин.

Журналист "Ишон, аммо текшириб кўр!", нақлига асосланиб, ахборотни ҳужжатлаштириши, керак бўлса, маълумотни қайта текшириши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, ОАВда берилган материал бирон-бир шахснинг ёки ташкилотнинг манфаатларини ҳимоя қилмай, холис бўлиши матбуотдаги шаффофликни таъминлайди. Одамларнинг ОАВларига ишончи ортади.

"Холислик борми?" мавзуида аннотация саволи тарқатилганда ҳанузгача аниқ жавоб топилмаган. Журналистик фаолиятда ҳам холисликка эришиш қийин кечади. Чунки, ҳеч бир тарафга ён босилмаса ҳам, ижодкорнинг шахсий нуқтаи назари, ўзининг қарашлари мақолада барибир акс этади. Журналист зиддиятли вазиятлар вужудга келганда, ахборот манбаининг хавфсизлиги нуқтаи назаридан, уни ошкор қилмаслик ҳуқуқидан ҳам фойдаланади.

Дунёнинг бирон-бир мамлакатида цензура оқланмайди. Эркин ва демократик жамиятнинг асоси — сўз эркинлигини таъминлаб, цензурага йўл қўйилмасликдадир. Ҳозирги кунда, фақат бизда эмас, жаҳон матбуотида ҳам цензуранинг шаклу шамойили баъзан кўриниб қолади. Мисол учун, хорижий тармоқларда тарқаладиган журналистга ўтказилган тазйиқ тагида маълум маънода цензура ётади. Бунга аниқ ва батафсил таъриф топиш қийин. Яна бир жиҳат, маълумотларнинг шаффофлиги, давлат идораларининг ошкоралиги, ахборотнинг очиқлиги муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, кимнингдир манфаатига зид келган тақдирда журналистнинг баъзи ҳаракатларини ё моддий йўл, ё ижтимоий йўл билан тақиқлашга ҳаракат қилинади.

Афсуски, бугунги кунда идора ва ташкилотларда ахборот хизматлари фаолияти мақтарли даражада эмас. Хорижда ўқиган, ўз она тилидан кўра, чет тилини яхши биладиганлар хизматга олинаяпти. Бунинг яхши томони ҳам бор, бироқ ёмон томони — улар ўзбек менталитетини Европа менталитетига қўшиб миллий маданият яратмоқчи бўлишади. Тарқаладиган ахборотлардаги палапартишлик, тушунмовчилик, айниқса, раҳбарнинг пресс-клубдаги нутқини тайёрлашдаги аҳолининг ғашини келтирадиган ғаплар, масалан, "кўп гўшт еяпмиз", "2,5 миллион сўм беш кишига бир ойга етади", "талаба стипендиясиз ўқий олади" сингари чиқишлар, аслида матбуот хизматининг айби. Бу журналист, блогер ва идора ҳамда ташкилотларнинг матбуот хизматлари ўртасига совуқчилик туширади. Демак, кадр танлаётганда уларнинг иқтидорига қараб соҳага йўналтириш ҳам маънавиятнинг белгиси ҳисобланади.

Расмий идоралар аввало, фаолиятларига доир матбуотдаги танқидга холис ва беғараз баҳо бера олиши керак. Лекин мамлакатимизда, ҳатто баъзи вазирликларда ҳам журналистларни аккредитация қилиш низоми мукаммал эмас. Аслида, журналистларни аккредитация қилишнинг очиқлиги таъминланса, тролларнинг салбий хатти-ҳаракатларига чек қўйилади. Ана шунда, идора ва ташкилотлар соҳага ихтисослашган фаол журналистларга маълумотни тақдим этиш ва танишиш учун кўрсатишлари оддий ҳолатга айланади.

Умуман олганда, тўғри, ҳаққоний ахборот эркин ва демократик жамиятнинг тараққий этиши билан бирга иқтисодиёт ва бизнеснинг ривожланиши учун туртки беради. Очиқ ва шаффоф ахборот — бизнеснинг асоси бўлган талаб ва таклифни ўрганиш учун имконият яратади.

Шу ўринда, бевосита матбуот ходимига маълумот тақдим этаётганда сўров билан шикоятнинг орасидаги фарқни аниқлаштириб олиш зарур. Сўров бу — маълумот олиш, қизиқтирган мавзуга доир ахборотни билиш. Журналист етти календарь иш кунида маълумотга эга бўлиши керак. Бунда фақат сўров аноним бўлмаслиги талаб этилади. Аноним сўровга жавоб бермасликка тегишли идора ҳақли.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи ташкилотлар фаолиятида маълумотлар ошкор этилишида қонун доирасидан чиқмасликни тақозо этади. Масалан, "Ўзархив" агентлиги материалларининг "давлат сири" мақомидаги маълумотларга ошкор этилмаслик тўғрисида "гриф" қўйилган бўлади. Бундай маълумотлар кенг жамоатчиликка маълум этилмайди.

Бугунги кунда дунёнинг етмишдан зиёд давлатларида ахборот олиш кафолатлари тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Қиёслайдиган бўлсак, 1990 йилгача бундай давлатлар дунёда бор йўғи ўн учта бўлган. Ўйлаймизки, юртимиздаги шаффофлик сўз эркинлигини тўлиқ таъминлай олади. Холис ва ҳаққоний ахборот берувчи журналистлар хавфсиз бўлиб, аҳоли муаммоларини ёритувчи ОАВлар сони ортади.

**Юлдуз ОРТИҚОВА,**
**филология фанлари номзоди.**

АНЖУМАН

**Интерполнинг Ўзбекистондаги Миллий марказий бюросида Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси томонидан «Ўз уйингни, ўз болангни – ўзинг асра» шиори остида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.**

# "Фарзандингиз қаерда, ким билан?"

— Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида жиноят содир этган 620 нафар ёшларга нисбатан енгилроқ, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиб, уларнинг 580 нафарининг иш билан бандлиги таъминланди. Адашиб жиноят содир этган 88343 нафар ёш билан ўтказилган якка тартибдаги профилактик ишлар натижасида 42771 нафари (48 фоизи) соғлом турмуш тарзига қайтарилди. Уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида қўшимча давра суҳбатлари ўтказилди.

— Амалга оширилган ишлар натижасида ўтган йил якунида ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 2883 тага ёки 19,7 фоизга камайди, — деди Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Азизбек Икромов. — Тошкент шаҳрида 3994 та ёш оила ажрашишдан сақлаб қолинди.

Шунга қарамай, ўтган йилда 28743 та оила ажрашганлиги инсонни ўйлантирмасдан қолмайди.

Ёшларга бўлган эътибор ҳар қачонгидан долзарб масалага айланмоқда. Бугунги кунда аҳолининг 21 фоизини 18-30 ёш оралиғидаги ёшлар, 10,6 млн. ёки 32,1 фоизини эса вояга етмаганлар ташкил этади. Аҳолининг ушбу қатламларини ҳимоя қилиш ва улар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида туман ҳамда шаҳарлар ички ишлар бўлимларида 201 нафар ёшлар масалалари бўйича бошлиқ ўринбосари лавозимлари киритилди. Тизим мутасаддилари томонидан ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа турли йўналишлардаги салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан биргаликда 13 меморандум, қўшма қарор ва дастурлар қабул қилинди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус, яъни ёшларни маданият ва санъатга, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, улар ўртасида компьютер саводхонлигини ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, китобхонликни тарғиб қилиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасидаги вазифалар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида ёшлар ўртасида жиноятчиликка нисбатан муросасизлик муҳити шаклланмоқда. 2019 йилда ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 2018 йилга нисбатан 2 минг 883 тага камайгани бунинг тасдиғидир.

Жамиятда шундай ота-оналар борки, фарзандининг қаерда ким билан юриши уларга қизиқ эмас. Бир сўз билан айтганда фарзандининг тақдирига бефарқ. Бугунги кунда қаровсиз юрган болаларни ҳимоя қилиш мақсадида ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари янада такомиллаштирилди. Шу кунгача 7639 нафар бола марказларга жойлаштирилди.

**Феруза БЕРДИЕВА,**
**"Hurriyat" мухбири.**

АФСУС

# "Эҳтиёж туғилганда гаплашар" эмиш...

**Оммавий ахборот воситалари Янги Ўзбекистонни шакллантиришда давлатимиз томонидан олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларни халқимизга етказишда жамиятнинг чинакам кўзгусига айланмоқда.**

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямизнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганларидек, *"Демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак".***

Албатта, жуда тўғри ва адолатли фикрлар. Аммо... ҳамон юртимиздаги бир қатор вазирлик, қўмита ва ҳокимликларда ОАВ билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масаласига беписандлик билан қаралаётгани сир эмас. "Мен нима дейману қўбизим нима дейди", қабилида иш юритиш ҳануз давом этмоқда. Очиқ айтиш керак, аксарият ташкилот ва идораларда маънавий-маърифий онгни ўстиришга хизмат қиладиган ОАВларига етарлича эътибор берилмаяпти. Ҳамон ОАВларига лоқайдларча муносабатда бўлиш ҳоллари кузатилмоқда.

Мисол учун, таҳририятимизга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирининг ўринбосари Б.Усмонов томонидан имзоланган хатда шундай дейилади: "Ҳуррият" газетасига келажакда обуна бўлиш учун эҳтиёж туғилганда (?) сизга қўшимча тарзда (?!) маълум қилишимизни билдирамиз". Президентимиз халқимиз орасида юриб, уларни қийнаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни очиқ кўрсатиб бераётган, "давр ойнаси" ҳисобланган ОАВлар билан бевосита алоқаларни мустаҳкамлашга барча давлат идоралари ва ташкилотларини даъват қилаётган бир пайтда, шундай нуфузли вазирлик мутасаддисининг маънавият соҳаларидан бири бўлган матбуотга бўлган муносабати Президентимиз кўрсатмаларига нечоғлик жавоб бўлади? Савол туғилади: мамлакатимиздаги нуфузли вазирликлардан бирида матбуот нашрларига "эҳтиёж" қачон туғилади?

Идорада ўзи "Маънавият хонаси" мавжудмикан... Биз шу масала юзасидан Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги матбуот хизмати билан боғландик. Матбуот хизмати вакили: "Маънавият хонаси" энди ташкил этилади", деди. Демак, ҳозиргача ташкил этилмаган. Ва гап орасида "ташкил этилган", деб ёзиб қўяверинг, дейди...

Лекин биз ёлғон маълумотни ёзмадик, бундан кейин ҳам ёзмоқчи эмасмиз.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва тўпламлаш бошқармаси бошлиғи Д.Суфиева имзоси билан таҳририятимизга йўлланган хатда ҳам юқоридаги "манзара"ни кўриш мумкин. Хатда вазирликнинг "Инсон ва қонун" газетаси ва "Ҳуқуқ ва бурч" журналида вазирликда олиб борилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар, қонунларнинг мазмун-моҳияти ва турли мавзуларда мақолалар эълон қилинаётгани таъкидланиб, ҳозирча бошқа ОАВларга эҳтиёж йўқлиги (?!) маълумот тариқасида ёзилган...

Куни кеча эса бизга юборилган мактуб орқали Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи А.Абраев Адлия вазирининг "Очиқ адлия" ("Open Justice") дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғини кенг жамоатчиликка етказишда, аҳолини дастур мазмун-моҳияти билан таништиришда ёрдам сўраган. Демак, вазирлик бошқарма бошлиғи ўз муассисликларидаги газета ва журналдан бошқа газеталарга ҳам "эҳтиёж борлиги"дан бехабар, бошқарма ва бўлимлар билан маслаҳатлашмай кўр-кўрона жимжимадор имзо қўйиб бизга жавоб йўлладими?

Умуман айтганда, Адлия вазирлигининг ўзидан ҳам тез-тез хат оламиз. Уларда вазирлик томонидан турли тадбир ва анжуманлар ўтказаётгани маълум қилинади ва уни газета саҳифаларида ёритиш сўралади. Ижодий жамоамиз имкон қадар бунга ҳаракат қилади, албатта. Лекин, қарс икки қўлдан деганларидек, бизда вазирлик ва унинг тизимлари фаолияти ёритилса-ю обуна бўлишга келганда "эҳтиёж йўқ" эканлиги писанда қилинса?! Бу ерда мантиқ бўладими?!

Банк-молия академияси ректори вазифасини бажарувчиси Б.Бердияров томонидан юборилган мактуб бизни янада таажжублантирди, ҳафсаламизни пир қилди. Чунки катта домланинг ёзишларича, матбуот нашрларига обуна бўлиш учун бюджет-сметасида белгиланган маблағ ажратилмаганлиги, яъни обуна учун давлат ғазнасидан алоҳида маблағ кўзда тутилмаганлиги айтилади.

Ахир, ҳурматли ректор в.б... наҳотки зиёли одам ўзи ўқийдиган газета-журналлар учун ҳам халқимизнинг пешона тери билан тийинма-тийин йиғиладиган давлат тушумларига кўз тикса?! Унда бошқалар, айтайлик, минг-минглаб оддий мактаб ўқитувчилари, шифокорлар ёхуд пенсионерлар ўз чўнтагидан газета-журналларга қандай обуна бўлишмоқда?

Шу ўринда обуна бўлмаганимизга шунча гапми, деб ўпкалаш керак эмас.

Обуна бўлишни мажбурлаш керак деган фикрдан йироқмиз. Ҳеч бир кишини мажбурлаб ўқитиб ҳам бўлмайди. Аммо... бу ерда бир киши ёхуд битта шахс ҳақида гап кетаётгани йўқ. Аксинча, кўпга бош, бошқаларга ҳам қайсидир маънода жавобгар бўлган мутасаддиларнинг ОАВга муносабати ҳақида сўз юритилмоқда. Баҳона топаман деганга ҳам ёки аксинча, имкон қидираман деганга ҳам ҳар иккови топилади.

Қолаверса, бу нафақат юқоридаги биз тилга олаётган икки-учта вазирлик ёки таълим муассасаси, балки жуда кўплаб идора ва ташкилотлар, ҳокимликларга, умуман, катта-кичик корхона-ю муассасалар раҳбарларига ҳам тааллуқли деб ўйлаймиз. Зеро, бугун фақат қорин ғамини ўйлаб, маблағ йўқ, ойлик кам дея баҳона қилинадиган бўлса, эртага бунинг жабрини нафақат матбуот соҳаси, балки ҳамма тортиши ҳеч гап эмас.



*Ш.Музаффар чизган карикатура.*

Чунки, ўқимаслик, маънавият ва маърифат илдизларига беписандликнинг натижаси эҳтимол бирданига кўзга кўринмас, лекин вақтлар ўтиши билан у "ўзлиги"гини намоён этади. Бунга минг-минг йиллик тарихимиздан ҳам истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Тўғри, бугун замон бошқа, қайси даврда яшаяпмиз, ҳамма янгиликни интернет тармоқлари орқали бир дақиқада ўқиб олаяпман-ку, дейиш мумкин. Аммо яна узоқ тарихимиздан ва бугунги дунёда энг ривож топган давлатлар ҳаётидан ҳам маълумки, ҳеч бир электрон восита, компьютер, телефонлар газета ва журналнинг, китобнинг ўрнини боса олмайди. Чунки нашр этиладиган матбуот воситаларини у дунё юзини кўргач, ўзгартириб бўлмайди, уни ўчириб ташлашнинг ҳам имкони йўқ. У эълон қилингандан кейин таҳрир қилинмайди ҳам.

Шу нуқтаи назардан матбуот нафақат бугун учун, балки у узоқ келажак ва тарих учун ҳам хизмат қилади. Жойларда матбуот хизматлари ташкил этилгани билан улар матбуот нашрларини олишмаса, ўзлари матбуотдан бехабар бўлишса, бу қандай натижа бериши мумкин? Шундай экан, бу масалаларни ҳам ўйлаб кўрадиган вақт келди, деган фикрдамиз.

Халқимизда: "Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман", деган гап бекорга айтилмаган. Қачонки, юқорида алоҳида таъкидлаганимиздек, мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўз чиқишларида барча тизим раҳбарлари, идораларига қарата матбуотга эътибор қаратиш, улар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш бўйича сўз юритиб турган бўлсалар-да, "кўп одамларга журналистлар ёқмайди, лекин улар менга ёқади", деб юксак ишонч билдираётган бир пайтда, юртимиз вазирлик ва бошқа идораларида ҳам ОАВларга ижобий муносабатни кутишга ҳақлимиз, албатта.

Газетамизнинг ўтган йил декабрь ойи сонларининг бирида айнан ана шу мавзуда "Ўзбекнефтгаз" АЖ соҳасидаги бир мутасаддининг юқоридагидек беписанд хатини олиб, муносабат билдирган эдик. Чунки, йўллаган хатимизга жавобан, юзга бир шапалоқ тортгандай жавоб хати олган эдик. Чоп этилган мақоламизга эса ҳеч қандай муносабат ҳам билдиришмади.

Айтганча, қаердан ҳам муносабат билдиришсин, ахир, улар газетага обуна бўлишмаган, ўқишмайди-ку!

**Ҳикматулло ҚОДИРОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

## САВДО

Бугунги кунда Республика Товар-хом ашё биржаси нафақат ишлаб чиқарувчилар учун, балки якка тадбиркорлар учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида илгари сотувда бўлмаган маҳсулотлар ҳам эндиликда эркин сотила бошланди. Жумладан, АИ-91 русумли автомобиль бензини ва уннинг 1-навининг нархи эркин белгиланиб, сотилиши соҳа учун муҳим янгилик бўлди.

# 30 йил давомида ун ҳеч қачон аукционда сотилмаган, НЕГА?




Куни кеча Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси акциядорлик жамиятининг марказий биносида оммавий ахборот воситалари учун «ЎзРТХБда биржа савдолари ва электрон тижоратнинг ривожланиш натижалари ва истиқболлари» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда иштирок этган ОАВ ходимлари ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутасаддиларга юзланишди.

Анжуманда Республика товар-хом ашё биржаси Бошқарув раисининг ўринбосари Ислом Иброҳимов қуйидагиларни маълум қилди.

— 2019 йилда ЎзРТХБнинг барча савдо платформаларида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 2018 йилга нисбатан 35,6 фоизга ўсиб, 43,1 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда тузилган битимлар ҳажмининг 87 фоиздан кўпи биржа савдоларига, қолган қисми эса электрон тижорат савдо тизимлари, шу жумладан, кўргазма-ярмарка савдолари, электрон давлат харидлари, авторақам ва мобиль рақам онлайн аукционларига тўғри келди.

Ўтган йилда биринчи навбатда биржа савдоларида сотилаётган товарларнинг сони ва ҳажмининг кўпайиши эвазига тадбиркорлар томонидан юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларидан эркин фойдаланиш имкониятлари янада кенгайтирилди. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузилган шартномаларнинг ҳажми 2018 йилга нисбатан 31 фоизга ўсиб, деярли 21,0 трлн. сўмни ташкил этди. Шу жумладан, тадбиркорлар биржа орқали 13,4 трлн. сўмлик товар ресурсларини харид қилишган ва 7,5 трлн. сўмга тенг ўзлари ишлаб чиқарган товарларни сотишган.

Шу билан бирга, ўтган даврда ўтказилган биржа савдолари ушбу товар бозорларида мутаносиб ҳолатнинг шаклланишига олиб келиб, шаффоф тизимнинг барча афзаликларини кўрсатиб берди. Хусусан, янги тартиб ўрнатилган пайтдан бошлаб 2019 йил охиргача бўлган даврда АИ-91 русумли автомобиль бензини бўйича биржадаги нархи 4,6 фоизга ва И-навли уннинг нархи 12 фоизга камайди. Нархларнинг пасайишига савдога қўйилаётган товар ҳажмларининг ўсиши ва улардан эркин фойдаланиш имконияти тақдим этилиши кўмак берди, — дейди Ислом Иброҳимов.

— Ижобий ўзгаришлар биржанинг экспорт йўналишида ҳам қайд этилган. Хусусан, ўтган йилда биржа орқали экспортга сотилган товарларнинг умумий қиймати 130,8 млн. АҚШ долларни ташкил этди ва ушбу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 5,7 фоизга кўпдир. 2020 йилнинг 1 январидан юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларнинг бир қисми фақат биржа савдолари орқали экспорт қилиниши мазкур кўрсаткичларнинг янада кўтарилишига хизмат қилади.

2019 йилда авторақам.uzex.uz вебсайтида онлайн-аукцион орқали 156,1 млрд. сўмлик 36,3 мингдан зиёд чиройли авторақамлар сотилди. Бунда авторақамларнинг сотуви сон жиҳатдан 51,1 фоизга, ҳажми бўйича 28,3 фоизга ўсди. Тузилган битта битимнинг ўртача қиймати 4,3 миллион сўмни ташкил этди, — дейди Товар-хом ашё биржаси бош маклери Жасур Юнусов.

**— Тадбиркорлар чет элга биржа орқали асосан қандай маҳсулотлар сотмоқда? — деб берган саволимизга Республика товар-хом ашё биржаси Бошқарув раисининг ўринбосари Ислом Иброҳимов қуйидагича жавоб берди:**

— Ижобий ўзгаришлар биржанинг экспорт йўналишида ҳам қайд этилган. Тадбиркорларимиз чет элга полиэтилен маҳсулотлари ва ҳар хил турдаги нефть ва ганч маҳсулотлари каби, жами 30 га яқин маҳсулот ўрин олган товарлар биржа орқали экспортга сотилган, умумий қиймати 130,8 млн. АҚШ долларни ташкил этди ва ушбу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 5,7 фоизга кўпдир. 2020 йилнинг 1 январидан юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларининг бир қисми фақат биржа савдолари орқали экспорт қилиниши мазкур кўрсаткичларнинг янада кўтарилишига хизмат қилади.

**— Шакар ва уннинг эркин савдога чиқарилиши унинг нархини қай даражада ўзгартиради?**

— Биздаги рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 14 январда биржа савдоларига қўйилган 1084 тонна шакарнинг, атиги 134 тоннаси сотилган. Уни ҳам бўлса, ишлаб чиқариш корхоналари харид қилган. Бунга, биринчи сабаб, нархи баландлиги бўлса керак. Ҳозирда бозорда бир килограмм шакар 5300-5400 атрофида улгуржи сотилмоқда. Бизда қўйилаётган бошланғич нарх 5250 сўмни ташкил қилмоқда. Унга транспорт харажатлари қўшилса, нарх яна ўзгаради. Юртимизда шакар ишлаб чиқарувчи корхоналар Хоразм ва Ангренда жойлашган бўлиб, Ангрендаги завод харидорлари, асосан, водийдан келади. Улар Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрига ҳам етказиб беради. Қолаверса, бизда шакардан ҳам кўпроқ истеъмол қилинадиган ун ҳам очиқ савдога қўйилди. Ун маҳсулотининг очиқ биржа савдосида сотилишини тарихий воқеа дейиш мумкин. Чунки салкам 30 йил давомида ун маҳсулоти ҳеч қачон аукцион орқали сотилмаган. 15 октябргача фақат маҳаллий ишлаб чиқарувчилар унни чакана тарзда харидорларга сотишган. Бунда гарчи уннинг заводдан чиқиш нархи 1 450 сўм, чакана савдодаги нархи эса 1 900 сўм этиб белгиланган бўлса-да, бозорларда 3 000 сўмгача сотилган.

Қайд этилишича, очиқ тарзда ўтказилаётган ун савдоларида ҳар куни мингдан ортиқ тадбиркор иштирок этмоқда ва янги механизм яхши ишламоқда.

Очиқ савдо тартиби жорий этилган илк ойларда нарх бирмунча ошган бўлса-да, ҳозир уннинг нархи 12 фоизга камайгани кузатилган.

Маълумотларга кўра, нархларнинг пасайишини бозорда товар ҳажмининг ўсиши ва улардан эркин фойдаланиш имконияти пайдо бўлгани билан изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, истиқболда биржанинг ягона клиринг тизими жорий этилиши кутилмоқда. Яъни, эндиликда мижозлар биржа савдолари ва онлайн аукционларида товарни сотиш ёки сотиб олишлари учун биржанинг ҳисоб-китоб клирингдаги битта ҳисоб-варағидан фойдаланадилар.

Давлат харидлари бўйича мижозлар учун «SMS-хабарнома» бепул хизмати жорий этилмоқда. Унга кўра, буюртмачилар томонидан жойлаштирилган янги буюртма тўғрисида хабар тадбиркорнинг мобиль рақамига келиб тушади.

Навбатдаги лойиҳа кўргазма-ярмарка савдо тизимини тубдан янгиланишини назарда тутади. Унга кўра, савдо иштирокчилари тузилган битимлар ижросини ҳисоб-китоб клиринги палатаси орқали кафолатлаш механизми афзаликларидан фойдалана оладилар.

Шунингдек, савдолар бўйича электрон ҳисоб-китоблар тизимини жорий этиш, чакана савдо билан шуғулланадиган тадбиркорлар ва жисмоний шахслар учун ҳам алоҳида веб сайтлари яратилиши режалаштирилмоқда.

**Феруза РАҲИМОВА,**
**«Hurriyat» мухбири.**

## ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан "Атроф-муҳит ифлосланиши мониторингини янада такомиллаштириш" мавзуида ўтказилган матбуот анжуманида асосий эътибор цемент ишлаб чиқарувчи саноат корхоналарининг ташламалари мониторингига қаратилди.

# Цемент керак, аммо...

Мазкур цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги "Давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига кўра, цемент ишлаб чиқариш корхоналари атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишнинг I тоифасига мансуб фаолият тури деб белгиланган.

Ушбу корхоналарнинг ишлаш жараёнида табиий муҳитга таъсир қилувчи асосий ифлослантирувчи компонентлари — чанг, майда дисперсли қаттиқ заррачалар ҳисобланади.

Қўмита Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Ўзгидромет" маркази билан ҳамкорликда 2019 йил октябрь ойида 13 та цемент ишлаб чиқариш корхоналарига туташ ҳудудлар атрофидан атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли чиқиндилардан намуналар олиб, таҳлиллар ўтказди.

— Олинган таҳлилларга кўра, 5 та корхонага туташ ҳудудлар атрофидаги атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддалар (чанг) миқдори меъёрдан юқорилиги аниқланди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Тўлаган Абдуғозиев. — Масалан: Қорақалпоғистон Республикасидаги "Titan cement" қўшма корхонасида 1,06-4,6, "Karakalpak cement" қўшма корхонасида 6,06, Фарғона вилоятидаги "Turon eco cement group" корхонасида 1,68-1,8, "Yaypangips" корхонасида 1,7-1,86 ва "Fergana cement" қўшма корхонасида 1,16-1,36 марта рухсат этилган меъёрдан юқори эканлиги аниқланиб, уларга тегишли чоралар кўриляпти.

Атроф-муҳитга таъсир кўрсатаётган цемент ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларини ўрганиш якунлари бўйича Қўмита томонидан Вазирлар Маҳкамасининг "Цемент ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти устидан экологик назоратни кўчайтириш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қарор лойиҳасига асосан Республикада фаолият юритувчи барча цемент ишлаб чиқариш корхоналарига 2022 йил 1 январга қадар атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларидан намуналар олиш ва таҳлил қилиш бўйича автоматик станциялар, шунингдек, уларга туташ ҳудудларда стационар кузатиш пунктларини хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари ҳисобидан ўрнатиш белгиланган.

Цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар 2020 йил 1 январдан бошлаб ифлослантириш манбалар мониторинги амалга ошириладиган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатига мажбурий киритилган.

Шунингдек, шу каби корхоналар 95 фоиздан кам бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи ҳамда янгидан фойдаланишга топширилаётган ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини оширишда 99,5 фоиздан кам бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлашлари шарт экани белгиланган.

**Наргиза БОБОМУРОДОВА,**
**"Hurriyat" мухбири.**

## ЖАҲОНДА НИМА ГАП?

### Хитойда янги коронавирус кенг тарқалмоқда

**Нафас олиш йўлларини шикастлайдиган янги вирус одамдан одамга юқиши мумкин, дея тасдиқлади Хитой расмийлари.**

Сўнгги икки кун ичида Хитойда яна 139 кишида касаллик юқтириш ҳолати аниқланган. Уларнинг аксарияти дастлаб Ухань шаҳри (Хубей вилояти)да бўлган, бу ерда илк ёйилиш аниқланганди, аммо энди бу ҳолатлар бошқа шаҳарларда ҳам кузатилмоқда.

### Энг тез айланувчи жисм

**АҚШнинг Пердью университети олимлари ўз рекордларини янгилашди.**

Гап шундаки, улар 2018 йилда дунёдаги энг тез айланувчи жисмни яратишган. Ушбу жисм дақиқасига 60 млрд. марта айлана олган. Энди эса шу олимлар жамоаси ўз рекордини 5 марта яхшилай олди. Бу ҳақда "Nature Nanotechnology" нашрида маълум қилинди.

Тажрибада бўлгани каби жисм ўзидан вакуумда муаллақ турган кремнезёмнинг гантел кўринишидаги нанозаррасини акс эттирган. Нанозаррани айлантириш учун иккита лазер қўлланган. Битта лазер уни жойида ушлаб турган, иккинчиси эса айлантирган. Ёруғлик фотонлари жисмга тушганда, унга радиациявий босим каби маълум бўлган куч берган.

"1600-йилларда Иоганн Кеплер кометалар думи радиациявий босим сабабли доимо Қуёшга қарши томонга йўналган бўлишини кўрган. Биз нанозарралар айланиши учун ҳам худди шу ҳодисани лазерлар билан амалга оширамиз", деб айтган тадқиқот муаллифи Тонгкан Ли.

### Ўрмон ёнғинидан кейин кучли дўл

**Австралияда бир неча ой давом этаётган ўрмон ёнғинларидан кейин қум бўрони ва кучли ёғингарчилик бошланди.**

Қум бўрони ёнғинлардан энг кўп азият чеккан Янги Жанубий Уэльс штатига ёпирилди. Кучли бўрон 100 км/соат тезлик билан қумни 10 қаватгача баландликка кўтарган. Табиий офат марказида штатнинг Брокен-Хилл, Нинган ва Паркес шаҳарлари қолган.

Шунингдек, ушбу штатда ва Австралия пойтахти жойлашган ҳудуд, жумладан, пойтахт Канберрада кучли дўл ёққан. "7 News" нашрининг хабар беришича, голф тўпчасидек келадиган дўл автомобилларга шикаст етказиб, дарахтлар шох-шаббаларини синдирган.

### "Менинг бошқа танловим йўқ эди"

**Шаҳзода Ҳарри қироллик хонадони мажбуриятларидан воз кечиш уни хафа қилиши, аммо унинг бошқа иложи йўқлиги ҳақида гапирди.**

Шу билан бирга, у қиролича Елизавета IIга хизмат қилишни давом эттиришдан умидвор эканлигини таъкидлади. "Sentabale" хайрия йиғилишида нутқ сўзлаган шаҳзода Ҳарри бувисини жуда қаттиқ ҳурмат қилишини айтган ва уни "ўзининг олий қўмондони" деб атаган.

Аввалроқ Букингэм саройи шаҳзода Ҳарри ва унинг рафиқаси Меган энди қироллик унвонларидан фойдаланмаслигини ва бундан кейин давлат маблағларини олмаслигини эълон қилганди.

Бу шуни англатадики, 2020 йил баҳоридан бошлаб улар энди "зоти олийлари" деб номланмайди. Аммо улар Сассекс герцоги ва герцогиняси бўлиб қолади, шаҳзода Ҳарри туғилишида мерос қолган унвонини сақлаб қолади.

### Икки мингдан ортиқ миллиардер 4,6 млрд. кишидан бойроқ

**2019 йилда дунёда 2153 нафар миллиардернинг бойлиги 4,6 миллиард кишиникидан кўпроқ экани маълум бўлди.**

Бу ҳақда қашшоқликка қарши курашувчи "Oxfam" ташкилоти ҳисоботида маълум қилинди. Ташкилот ҳисоботида айтилишича, бутун ер юзи аҳолиси олинадиган бўлса, бир фоиз энг бой одамлар 6,9 миллиард кишиникидан кўпроқ бойликка эга.

Энг қизиғи, 22 нафар энг бадавлат эркакнинг умумий бойлиги Африкадаги барча аёлларнинг бойлигига тенг экан.

### Ҳомиладор аёлларга виза берилиши мумкинми?

**АҚШда ҳомиладор аёллар учун виза бериш қоидалари қатъийлаштирилиши мумкин. Бу ҳақда АҚШ маъмуриятидаги манбаларга таяниб "Axios" портали хабар берди.**

Ушбу чора АҚШга фарзанди автоматик тарзда фуқаролик олиши учун атайлаб туққани "туристик ёки ишчи мақсадларда қисқа муддатли ташриф" кўринишида келувчи ҳомиладор аёлларга қарши қаратилган.

АҚШ қонунчилиги Қўшма Штатларда туғилганларга ота-онасининг қайси давлат фуқароси эканлигидан қатъи назар автоматик равишда фуқаролик олиш имконини беради.

Маълум қилинишича, АҚШ ҳукумати мутасадди идораларга виза сўраётган ҳомиладор аёл атайлаб АҚШда туққани келаётганига шубҳа пайдо бўлса, визани рад этиш ҳуқуқини беришни режалаштирмоқда.

**Интернет хабарлари асосида А.СОДИҚОВ тайёрлади.**

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИ АСОСИДА

# «Халқ банки» кўмаги билан бизнесим ривож топди»

**Банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиёт, саноат ва қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланишини таъминламоқда. Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори банк-молия муассасалари фаолиятини янги босқичга олиб чиқди.**

**Айтиш мумкинки, банклар аҳоли ва мижозларни янада кенгроқ жалб эта бошлади. Эндиликда аҳоли банкларга ишонч билан кела бошлади, одамларда банк хизмати — биз учун, деган тушунча уйғонди. Албатта, тижорат банкларининг фаоллашуви мижоз манфаатига мувофиқ келаётгани қувонарли ҳол.**

## мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларини ҳам қамраб олган, муқобил инфратузилмага эга молия муассасасининг фаолиятидан одамлар хурсанд

Банк-молия муассасаларининг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаши, аҳолининг моддий эҳтиёжини таъминлаши, амалдаги дастурларга йўналтирилаётган сармоялар ўз самарасини кўрсатаётибди. Мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларини ҳам қамраб олган, муқобил инфратузилмага эга "Халқ банки"нинг кўрсатаётган фаолияти бунга мисол бўла олади. Чунки ушбу банк аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаётган етакчи молия муассасаларидан бирига айланаётгани айни ҳақиқат.

### Тадбиркорни қўллаб-қувватлаш вазифамиз

"Халқ банки" ўз тизимида капитал ёндашувни янада кучайтириш, инвестицияга мойил фаолликни қўллаб-қувватлаш, мамлакат иқтисодиётининг кенг кўламли тармоқларида ишлаб чиқаришни жорий қилиш, технологик янгиланиш жараёнини молиявий таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2019 йилда банк томонидан хорижий кредит линияларини жалб қилиш, уларни иқтисодиётнинг амалдаги тизимига йўналтириш бўйича кўзга кўринарли ишлар бажарди.

Банк ташаббуси билан 8 та халқаро молия институтининг 9 миллион АҚШ доллари ҳамда 197 миллион евролик кредит линиялари жалб қилинди. Жумладан, АҚШнинг "Cargill Inc" компаниясидан 55 миллион евро, Германиянинг "Berliner Sparkasse" банкидан 30 миллион евро ва "ODDO BHF" молия муассасасидан 50 миллион евро, Россиянинг "Азия Инвестбанк"идан 4 миллион доллар ҳамда "Транскапиталбанк"дан 5 миллион евро, Хитой Эксимбанкидан 5 миллион АҚШ доллари, Австриянинг "Raiffesen Bank International"идан 10 миллион евро, шунингдек, Польшанинг "Bank Gospodarstwa Krajowego" банкидан 20 миллион евролик кредитлар жалб қилинди ва иқтисодиётимиз ривожи учун йўналтирилди.

Мазкур ресурс маблағлари ҳисобидан мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг 177 та лойиҳасига 76,9 миллион АҚШ долларидан зиёд кредит ажратилди. Шундан, замонавий иссиқхоналар ташкил қилиш учун 97 та лойиҳага 58 миллион АҚШ доллари, мева-сабзавотларни сақлаш учун совутгичли сиғимлар ташкил қилиш мақсадида 52 та лойиҳага 13,6 миллион АҚШ доллари, интенсив боғ барпо этиш учун 5 та лойиҳага 2,2 миллион АҚШ доллари, мева-сабзавотларни қайта ишлаш ва қадоқлаш учун 13 та лойиҳага 2,6 миллион АҚШ доллари ҳамда бошқа йўналишлар учун 10 та лойиҳага 450 минг АҚШ доллари ажратилди.

Банк томонидан якунига етган йилда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида хорижий молия институтлари сармоялари ҳисобидан 711 лойиҳага 99,2 миллион АҚШ долларидан ошиқроқ маблағ йўналтирилди. Шунинг 80 миллион АҚШ доллари қорамол сотиб олишга қаратилган 567 та лойиҳага берилган бўлса, 2,4 миллион АҚШ доллари 18 та лойиҳага қўй-эчки сотиб олиш учун тақдим этилди. Мазкур йўналишда техника харид қилишга 84 та лойиҳага 7,5 миллион АҚШ доллари ҳамда асбоб-ускуналар ва бошқа зарур жиҳозлар сотиб олиш учун 42 та лойиҳага 9,3 миллион АҚШ доллари йўналтирилди.

Шунингдек, банк томонидан саноат соҳасидаги 77 та лойиҳага 148,7 миллион АҚШ доллари, транспорт соҳасидаги 99 та лойиҳага 19,8 миллион АҚШ доллари ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги 21 лойиҳага 5,9 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

### Имтиёзли кредит — бизнесингиз гарови

Мамлакатимизда давлат миқёсида чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқ банкининг мазкур соҳани молиявий қўллаб-қувватлаётганининг асосий сабаби ҳам шунда. Мамнуният билан айтиш керакки, халқ банки ҳамда бошқа тижорат банклари кўмагида 2019 йилда республикамиз бўйича чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун 1 триллион 340 миллиард сўмлик 865 та лойиҳани молиялаштириш ҳисобига четдан жами 365 034 бош чорва моли олиб келинди. Натижада 5 600 та янги иш ўрни яратилди.

Шу кунларда ажратилган 94,1 миллиард сўмлик кредитлар эвазига четдан яна 17 512 бош қорамол олиб келиниши режалаштирилмоқда. Бунда ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик тузилмалари билан фаол ҳамкорлик олиб бориляпти.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда чорвачилик йўналишида тадбиркорлик билан шуғулланаётган ва мазкур соҳага қизиқиш билдираётган ишбилармонларимиз сафи тобора кенгайиб бораётир. Мисол учун, Бахмал туманидаги "Бахмал милк" фермер хўжалигига "Халқ банки"нинг Бахмал филиали томонидан Халқаро тараққиёт уюшмаси кредит линияси орқали 245 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит берилган эди. Мулкдор ушбу сармояга Германиядан 141 бош наслли қорамол олиб келди. Йигирмата янги иш ўрни яратилди.

**Шавкат Халилов, "Бахмал милк" фермер хўжалиги раҳбари:**

— Германия ва Австриядан келтирилган наслли қорамолларни ўзимизда кўпайтириш ниятидамиз. Бу лойиҳамиз ҳам рўёбга чиқишига ишончим комил. Чунки бизни "Халқ банки" доим молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ушбу молия муассасаси ёрдами туфайли европалик ҳамкорларимиз билан шартнома шартлари юзасидан музокаралар олиб боряпмиз. Энг муҳими, "Халқ банки" кўмаги билан ҳақиқий тадбиркор бўлдим!

"Халқ банки" Термиз шаҳар филиали мижози "Сурхон чорва насл" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга молик. Яъни, филиал томонидан жамиятга хорижий кредит линияси ҳисобидан ажратилган 2 миллион АҚШ доллари эвазига Австриядан 219 бош наслли қорамол келтирилди. Бундан ташқари, жорий йилда ушбу давлатдан яна 184 бош қорамол ҳамда Туркиядан сутни қайта ишлаш ускуналари келтирилади. Корхона томонидан йилига қиймати 20 миллиард сўмлик 4 минг тоннага яқин сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Жами яратилаётган иш ўрни эса 35 тани ташкил этади.

**Иброҳим Абдураҳмонов, Тошкент вилоятининг Пскент туманидаги "Зиёда" фермер хўжалиги раҳбари:**

— Лойиҳамизни амалга оширишда "Халқ банки" томонидан бизга ажратилган 2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит қўл келди, фермамизда кунига ўртача 10 тонна сут соғиб олинади. Келажакда ушбу сут маҳсулотларини қайта ишлашни ҳам режалаштирмоқдамиз.

### Тадбиркор оила — фаровон турмуш кафолати

Президентимиз тадбиркор оилаларни янада кўпайтириш эвазига оила бюджетини мустаҳкамлаш долзарб масалалардан бири эканлигини кўп бор таъкидлаб айтдилар. Шу муносабат билан, мамлакатимизда тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали одамларимиз даромадини кўпайтиришга устувор мақсад сифатида қаралмоқда. АТ "Халқ банки" томонидан 2019 йилда айнан оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури бўйича 101 176 та оилага 1 798 330 миллион сўмлик кредит ажратилгани фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 5 419 та лойиҳага 96 577 миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада 5 304 нафар одам иш билан таъминланди.

Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 4 246 лойиҳага 81 242 миллион сўм маблағ ажратилиб, натижада 4 246 иш ўрни яратилди.

"Ёшлар — келажагимиз" жамғармаси ҳисобидан Давлат дастуридаги тадбирларни молиялаштириш доирасида банк томонидан 2018-2019 йиллар учун манзилли рўйхатга асосан, 3267 нафар ёш тадбиркорга 542 миллиард 228 миллион сўмлик кредитлар тақдим этилди. Натижада 9917 та янги иш ўрни яратилди. 3 700 дан ортиқ ёш тадбиркорларга берилган сармоялар миқдори эса 732,8 миллиард сўмни ташкил этди.

### Барқарор даромадингизни кафолатлаймиз

Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлидаги муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. "Халқ банки" ҳам ушбу фармон ижроси доирасида хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес билан шуғулланишни истаганларга кўмаклашишга катта аҳамият қаратмоқда. 2019 йилда банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 36 703 тадбиркор аёлга 615,2 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, 36 мингдан зиёд иш ўринлари яратилгани, бунинг натижасида бюджетга 1,2 миллиард сўмлик солиқ тушумлари тушгани фикримиз тасдиғидир. Шу билан бирга, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 639 нафар тадбиркор аёлга 7,4 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

- 2019 йилда «Халқ банки»нинг ўз маблағлари ҳисобидан 36 703 нафар тадбиркор аёлга **615,2 млрд. сўмлик** кредит маблағлари ажратилди. Натижада 36 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.
- Ўтган йилда банк томонидан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида хорижий молия институтлари сармоялари ҳисобидан 711 лойиҳага **99,2 млн. АҚШ доллари**дан ортиқроқ маблағ йўналтирилди.
- "Ёшлар — келажагимиз" жамғармасидан Давлат дастуридаги тадбирларни молиялаштириш доирасида 2018 — 2019 йиллар учун манзилли рўйхатга асосан, ўтган йили 3267 нафар ёш тадбиркорга **542 млрд. 228 млн. сўмлик** кредит тақдим этилди.
- "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури бўйича 101 176 та оилага **1 798 330 млн. сўмлик** кредит ажратилди.
- Банк ташаббуси билан 8 та халқаро молия институтининг 9 млн. АҚШ доллари ҳамда **197 млн. евролик** кредит линиялари жалб қилинди.
- Банк томонидан саноат соҳасидаги 77 та лойиҳага 148,7 млн. АҚШ доллари, транспорт соҳасидаги 99 та лойиҳага **19,8 млн. АҚШ доллари** ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги 21 лойиҳага **5,9 млн. АҚШ доллари** миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

**«Халқ банки» матбуот хизмати.**


XalqBanki

## «Халқ банки» кредит фоиз ставкаларини пасайтирди.

**Мижозларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда банк 2020 йил 14 январдан бир қатор кредит хизматлари учун фоиз ставкалари пасайтирилганини эълон қилади.**

**Автокредит**

1 йилга 28 фоиздан кам бўлмаган миқдорда
2 йилга 29 фоиздан кам бўлмаган миқдорда
3 йилга 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда

**Микроқарз**

1 йилга 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда

"TRADE-IN"



**Trade-In автокредити**

1 йилга 28 фоиздан кам бўлмаган миқдорда
2 йилга 29 фоиздан кам бўлмаган миқдорда
3 йилга 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда

**Истеъмол кредитлари**

1 йилга 28 фоиздан кам бўлмаган миқдорда
2 йилга 29 фоиздан кам бўлмаган миқдорда
3 йилга 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда

**Yangilanayotgan «Xalq banki» — Sizning xizmatingizda!**

Хизматлар лицензияланган.

МИСР МИСРАЛАРИ

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

# Юрган дарё дерлар, юрмаган бўйро...



## Шарм ал-шайх

Қани, айт-чи, қай замонда, қайси бадавий
Қирғоғингда туясини йўрттириб шошган?
Минг бир кеча эртагидан қайси бир ровий
Таърифингни авлодларга айтиб, улашган?
Шарм ал-шайх, Шарм ал-шайх.
Бир томонда Африқою, бир ён Осиё,
Ўртасида сийнасимон очилмиш Синай,
Пастда денгиз эркаланар гўдақдай гўё,
Чиройингга қўшиб яна минг бора чирой,
Шарм ал-шайх, Шарм ал-шайх.
Сен бир гўзал келинчақдай сепи – заргардон,
Не юртларнинг ўртасида бўлдинг-ку талош,
Янграб бунда гоҳ ивриту гоҳ фаранг забон,
Бир-биридан қизғонишиб қилдилар бош-бош,
Шарм ал-шайх, Шарм ал-шайх.
Минг шукрки ўз халқингга бўлдинг сен дилбанд,
Турли юртли меҳмонларга олийшон мезбон,
Қучоғингда ором олдим мен шоду хурсанд,
Сен таборо яшнайбергин тургунча жаҳон,
Шарм ал-шайх, Шарм ал-шайх.

*Шарм ал-шайх, 2019 йил, 23 октябрь.*

## Қизил денгиз

Қизил денгиз номин олмиш бу ажиб уммон,
Қирғоқлари қизил қумдан, тошлари – қизил.
Қизил танли балиқлари ўйнайди ғужғон,
Офтоби ҳам қизартирар танни беҳазил.
Сирингни айт, эй арабнинг қадим уммони?
— Томчи-томчи тўпланган-да аждодлар қони...

*2019 йил, 24 октябрь, Шарм ал-шайх.*

## Темир билакузук

Узоқ денгиз бўйидаги дам олиш маскан,
Бизни қабул қилишаркан, қаранг, дафъатан
Темирсимон билакузук тақиб қўлимга
"Адашсангиз белги бўлур", – дейишди менга.
Худди қуллик белгисидек бўлиб туйилди,
Норозилик билан бироз ковоқ уйилди.
Кейин дедим ўйлаб кўриб, қилмасдан гина:
"Қули бўлай шу жаннатнинг бир хафтагина..."

*2019 йил, 25 октябрь, Шарм ал-шайх.*

## Етти кунлик жаннат

Жаннатлардан қолишмовчи олий бир маскан,
Бир ҳафтага дам олишчун келдик биз бунда.
Кўрмоқ бору емоқлик йўқ жаннатул ризвон,
Аммо бошқа қоида бор ушбу очунда:
Не десангиз дастурхонда эрур муҳайё,
Мунтазирдир меҳмон учун минг бир хил таом,
Шарбату май оқиб ётар гўёки дарё,
Кўрмоқ ҳам бор, емоқлик ҳам хулласи калом.
Яратганнинг жаннатига тушмоқлик учун



Бутун умр йиғмоқ керак кўп ажру савоб,
Бунда эса бошқа нарса кўрсатар кучин —
Жарақ-жарақ пул бўлса бас, шу – ҳисоб-китоб.

*2019 йил, 25 октябрь, Шарм ал-шайх.*

## Қарға қағиллади...

Эрта тонгда деразамда қағлади қарға,
Жаннатдайдим, нақ тушгандай бўлдим сақарға:
Сафардамиз, уйдагилар тинчми-омонми,
Тўнғич ўғлим бетоб эди, ҳоли ёмонми?
Юрибдими узоқдаги қавму қариндош,
Ҳасадгўйлар отмадими ижодимга тош?
Айтинг-айтинг, ишхонамда йўқми муаммо,
Бошлиқларнинг феъл-атвори сирли доимо.
Хаёлимдан ўтди бир-бир не сир-синоат,
Ҳа, ишқилиб тинчлик бўлсин дунёда фақат.
Нима қилай, ахир шу тарз тузилса олам,
Тенг ярмида хурсандчилик, тенг ярмида ғам?
Эрта тонгда деразамда қағлади қарға,
Хаёлларим олиб кетди қаю-қайларга.

*Шарм ал-шайх, 2019, 24 октябрь.*

## Коҳира осори-атиқахонасида

*(Ҳазил)*

Коҳирада бор зўр атиқахона,
Кириб кўрдик биз ҳам хона ба хона.
Қадимдан қолган тош ҳайкаллар қатор,
Не-не мўмиёлар чўзилиб ётар.
Ана Тутанхомон, анов – Эхнатон,
Манови ким экан, бужмайган ёмон?
Қаёққа қарама шошади ақл,
Фиръавнлар ҳаёти — афсона, нақл.
Барини кўришга улгуриш керак,
Саёҳатбонимиз тинмас, жонсарак,
Жон қулоғи билан тинглардик уни,
Аммо минг афсуски, мен ўша куни –
Келаётиб йўлда қопман шамоллаб,
Тўп ичида юрдим зўрға, амаллаб.
Суҳбат энг авжига кўтарилган он
Қаранг-ки, чунон —
Куч билан урвордим ногоҳон акса,
Овози қулоқни ёргудек қарс-а!
Эшитганлар сакраб тушдилар гўё,
Нақ тирилиб кетди нечта мўмиё!

*Коҳира, 2019, 26 октябрь.*

## Хеопс мақбарасида

Дунёдаги етти мўъжиза бири –
Хеопс мақбараси – не унинг сири?
Фиръавн ўз қабрини яшириш учун
Кўрсатиб бор зулму бойлигин кучин –
Ясатмиш осмон бўйи бир дахма,
Унга маҳлиёдир келганлар – ҳамма.
Тош устига тошлар, харсанг ба харсанг,
Устига чиқасан кечгача юрсанг.
Эшиги қаерда, қайда туйнуги,
Хазинаси қани – фиръавн суйдиги?
Ечилмайди ҳамон мавҳум саволлар,
Қайларга бошлайди қурғур хаёллар,
Афсус қолмагандир дуру хазина,
Талончи қўлида не-не дафина.
Аммо мен қойилман фиръавн ақлига –
Ризқу рўз қолдирмиш ўзин халқига,
Дунё томошага келади оқиб,
Шу йўл билан Миср халқини боқиб...

*Коҳира, 2019, 26 октябрь.*

## Мен Нилда суздим!

Мен Нилда суздим-а, мен Нилда суздим,
Ўзимни еттинчи фалакда сездим!
Ахир, бу – Нил – Нил-да, энг қадим дарё,
Афсонадан чиқиб келгандай гўё,
Ҳабашлар юртидан бошланган булоқ,
Тўсса йўлларини қанча тўқай, тоғ –
Барчасини енгиб оқиб келар у,
Тарихни елкада ортиб келар у.
Фаллоҳлар кўз ёши, фиръавнлар зулми,
Қирғоқда эҳромлар – не тош уюми,
Лочин тарзли Хоҳа, Ибис қуши – Тот,
Чаёнбоз Исида, Ра – қуёш, ҳаёт,
Фиръавнлар – Мемфису ҳам Тутанхамон,
Атон илоҳининг қули — Эхнатон
Ҳамма-ҳаммасини кўрган дарё бу,
Беш минг чақиримга юрган дарё бу.
Оқсин деб бемалол, сувлари лим-лим,
Ўлчов ясаб берган Фарғоний-олим,
Баҳайбат кемалар ўтар бемалол,
Нигоҳимда қувонч, ҳайрат ва савол:
Наҳот насиб этди унда сузмоқлик,
Кўнглимда ғуруру ҳам кайфи чоғлик:
Мен Нилда суздим-а, мен Нилда суздим,
Тарих-тарихлардан ошдиму ўздим!

*Коҳира, 2019, 26 октябрь.*

## Юрдиг-о, юрдик...

Юрган дарё дерлар, юрмаган бўйро,
Чиққандик кўп узоқ юртларга сайра,
Босиб ўтдик қаранг, қанча тоғ, дарё,
Ортимизда қолди не чўлу саҳро,
Юрдиг-о, юрдик.
Йўлга чиқиб эрта саҳардан, тонгдан,
Илҳом олиб дилда истагу бонгдан,
Таваккал қилибмас, куч олиб онгдан,
Фойдаланиб ҳар бир дақиқа, ондан,
Юрдиг-о, юрдик.
Юрмоқдан ҳар кимнинг бўлсин мақсади,
Дилларда орзулар эзгу қат-қати,
Майли, ҳасадчининг келсин ҳасади,
Келибдики охир сафар фурсати,
Юрдиг-о, юрдик.
Юриб, мана, не-не юртларни кўрдик,
Не-не масканларда яшадик, турдик,
Неча дўстлар билан суҳбатлар қурдик,
Охирида йўлни уй томон бурдик,
Юрдиг-о, юрдик...

*Шарм-ал шайх — Тошкент.*
*2019, 28 октябрь.*

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Устоз мунаққид Иброҳим Ғафуров шеърият таҳлилига бағишланган бир китобига "Ям-яшил дарахт" дея ном қўйгани бежиз эмас. Чинданам юрак тафти сингган шеърлар боғдаги мевали дарахтга ўхшайди. Тупроқ остидаги илдизига асосланган дарахт баҳорда гуллайди. Ёзда мева беради. Кузда енгил тин олиб шохлари дам олади. Баргларини шукрона рамзи сифатида муқаддас илдизи сари ташлайди — кийимларини ечиб оромга чоғланади. Баҳорда яна уйғонади. Боғни тағин унинг гуллари яшнатиб юборади. Боғбоннинг бу фоний дунёдан ўтгани сезилмаслигининг боиси ҳам шу — боғнинг мевасидан баҳра олиб турамиз.

# Унинг ҳам бир боғи бор эди...

Ёниқ умид билан шаҳарга келган, университетда ўқиб, умри бўйи етакчи ижодий жамоалар — "Шарқ юлдузи", Ўзбекистон радиосида ишлаган Муҳаммад Ражаб (Мамаражаб Имомов) орамиздан жуда эрта кетди. У ҳақда гап кетганда, айниқса, унинг Ўзбекистон радиосидаги адабий фаолияти алоҳида эсланади.

Шоир "Адабиёт хрестоматияси" рукнида жуда кўп адиблар ижодини тарғиб қилган. Номи тилга олинганда яна у камтар, кўнгли тоза, ҳақиқий дўст сифатида хотирланади. Аммо шоирнинг ана шу фазилатлари пойдевор бўлиб турган, алоҳида китоблар бўлиб қўлимизга тегмаган, лекин матбуотда эълон қилинган, жамоа тўпламларда нашр этилган шеърлари ҳанузгача ўз ҳолича "сочилиб" ётибди. Наҳот ранг-баранг китоблар нашр этилаётган, имконият эшиклари очилиб бораётган бир даврда унинг шаъни, хотирасига нисбатан беэътибор бўлсак?!

Зеро, бир-икки шеъридагина салоҳият учқунлари кўриниб қоладиган шоирни кўкларга кўтариш қанчалик азоб бўлса, ҳар бир асаридан истеъдод ифори уфуриб турган ижодкор ҳақда бир гап айтмаслик ҳам шу қадар изтироблидир. Шу маънода Муҳаммад Ражабнинг ўзига хос бир боғи бор эди, дея оламиз.

Шундай шеърлар борки, сатрлардаги сўзлар тирноқ билан этдай бирбирига боғланган. Қофия, ритм рисоладагидек. Лекин мисралардаги бадиий тўқин бир мақсадга хизмат қилмайди. Ташбеҳ изласангиз — ташбеҳ, ялт этган манзара кутсангиз — ундай манзара ҳам йўқ. Муҳаммад Ражаб эса кўнглида туғилган фикрни изҳор қилиш учунгина бўлиқ сатрлар тизарди. Чунончи, саҳар чоғидаги шафақ билан алвон гулларга бурканган чаманнинг нақадар ўхшашлиги ва бу уйғунликдан чиқарилган хулосани кўринг:

*Гулзордаги фикрим билан,*
*Уфқда қолдим.*

Бир шеърида анҳорда кийимлари билан чўмилаётган қизлар ҳолати тасвирланади. Деҳқонлар узоқда ўз ишлари билан банд. Лекин кетмоннинг кўтарилиб-тушиши асносида қуёшнинг унга акс таъсири ҳам қизларнинг иффат ва ҳаёсига тўқин ясайди. Кетмонда аксланган нур номаҳрам назари бўлиб кўринади: "Кетмон қуёш билан кўз қисиб ўйнар".

Ўтган асрнинг 80-йилларида истиқлол соғинчи куртаклари ўзини таниган бир неча устозлар дилида очила бошлади. Бундан қувонган, таъсирланган, ички фаҳмини намоён этган шоирларнинг бири Муҳаммад Ражаб эди.

М.Ражабнинг "Фасллар фалсафаси", "Шивирлайди ёмғир хафаҳол" каби шеърлари 1988 йили Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган "Камалак" тўпламига киритилган эди. Бу тўпламнинг нашр этилиш тарихини биламан. Чунки, ўн ижодкорнинг орасида камина ҳам бор. Шеърларимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тавсияси билан "Авторнинг илк китоби" рукни остида чиқиши керак эди. Уларни жамоа тўпламига киритилишини эшитиб қолдик. Шунда баъзи шоирлар алоҳида китоб чиқариш умидида нашриётдан тўпламларини ола бошлашди. Нашриёт муҳаррири раҳматли Муҳаммад Юсуф мени учратиб қолиб, "Тўпламингизни олманг, "Камалак" жамоа китоби қалин муқовада чиқаяпти, кейин хурсанд бўласиз", деди. Бир ташкилотда ишламаймизми, куюнчак шоирнинг гапини Муҳаммад Ражабга ҳам айтдим. Мамаражабнинг бир одати бор эди: таъсирли бир гап айтса ёки эшитиб қолса, ўнг қўли билан иягига шапатилаб қўярди. Ўшанда ҳам шу қилиғини такрорлаб:

— Чиқаверсин-а, жўражон, чиқаверсин! Алоҳида китоб, деб юрамизми?" — суюниб кетганди у.

Бу гапни эслашимдан мақсад, шоирнинг илк тўплами олти-етти йиллар нашриётда ётган. Демак, ундаги шеърлар анча илгари — эски тузум ҳали кучда бўлган, устоз адиблар эрк, озодлик ҳақидаги тушунчаларини мисралар қаъригa яшириб беришга мажбур бўлган, қадр-қимматимиз боғлари "Юзлари тўлишган қип-қизил фасл" исканжасида сақланган даврда ёзилган:

*Атроф тинч, сукунат бўлса-да,*
*Исёнга шайланар митти куртаклар.*

Ёки:

*Шивирлайди ёмғир хафаҳол,*
*Дардларини бир-бир очади.*
*Ғамдан безор одамлар дарҳол,*
*Эгатларни ташлаб қочади.*
*Паноҳ бўлар ёлғиз букри тол,*
*Сим-сим йиғлар шўрлик букилиб.*
*Одамларни соғинган баҳор,*
*Йиғлар кўкда камалак бўлиб.*

Олинадиган нафас ўзимизники, ҳаво эса кўпники бўлгани каби, уй бизники, кўча эса кўпникидир. Бир одам ўз уйини тоза тутиб, теваракатроф ободончилигига риоя қилмаса, бу — унчалик зиён етказмаслиги мумкин. Аммо қишлоқ, маҳалла аҳли учун бу одатга айланса, хунук оқибатларга олиб келади. Бу шунчаки тартиб-қоидага риоя қилиш, дегани эмас. Чунки, уйингдан чиқдингми, Ватан бошланади. Умрининг охирида Муҳаммад Ражаб бир гапни тез-тез такрорлайдиган бўлиб қолди:

— "Қизилча"га кетаман. Биз томонларни кўрмагансиз-да! Қир-адирлар ястаниб ётибди. Кўкламда остонангизгача лолалар очилиб туради. Туғилган қишлоғингда яшашга нима етсин? Соғиндим, она юртимни соғиниб кетдим...

Ҳақиқатан, "Қизилча" — серфайз Нурота этагидаги кўркам бир қишлоқ. Буни шоир бир шеърида шундай тасвирлаган:

*Тушимга киради сарғайган қирлар*
*Ортида жойлашган бир чаман...*

Ҳар сафар Бухоро томонларга ўтиб-қайтганимда, Нурота кенгликлари кўзга ташланиши билан Муҳаммад Ражабни эслайман.

— Шоир барибир она қишлоғига қайтди, — пичирлайман беихтиёр, — у "Қизилча"даги кўркам бир барханга айланди.

**Илҳом АҲРОР,**
**шоир.**

## БУГУНГИ ЁШЛАР

Мана, кўз очиб юмгунча 2019 йил ҳам ниҳояланди. Ўтган йил давомида китобларга ошно бўлдим. Олдимга катта мақсад қўйган эдим. Табиийки, ҳамма ёшлар ҳам бирон мақсадни кўзлайди, унга интилади, бунинг учун аввало ўқиш, билим олиш ва ўзи тенги билимдонлар билан беллашувларда ғолиб бўлишга ҳаракат қилиши керак. Меҳнатим юзага чиқди, 2019 йил умрим маҳзанида жуда омадли ва унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Энг катта орзуим — Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси бўлдим.

# Шараф ва масъулият

Таълим даргоҳимиз давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ОАВ учун малакали кадрлар тайёрлаш, журналистика соҳасини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. Не бахтки, унинг дастлабки ўқувчиларидан бўлиш менга, мен тенги дўстларимга насиб этди.

Ҳамкурс дўстларим, катта курсда таҳсил олаётган ёшлар бир-бирлари билан иноқ, малакали устозлардан касбимиз синоатларини ўрганяпмиз. Янада қулай томони, хорижий тилларни биладиган кадр бўлиб етишиш учун барча шароит яратилган. Ўтган йил давомида қадрдон университетимизнинг янги биноси қад ростлади. Ҳадемай ҳаммамизни бағрига олади. Кенг ва шинам, энг сўнгги русумдаги ахборот технологиялари билан жиҳозланган ўқув хоналарида таҳсил оламиз. Университетимизда бир нечта ташкилотлар билан таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилгани боис, талабалар газеталар таҳририятларида малака сирларини ўрганишмоқда. Ҳатто, чет эллларда бўлиб ўтган турли форумларга қатнашишга ҳам улгуришди.

Бу ерда жуда ҳам юқори салоҳиятли, тажрибали устозлардан таълим оляпмиз. Устозларимиз биз шогирдларидан ҳеч қачон вақтларини аяшмайди, доимо тўғри йўл кўрсатишади, кўмак беришади. Бўш вақтларимизда эса турли мавзуларда мақолалар ёзиш, китоблар мутолааси билан шуғулланамиз. Университетимизда талабалар учун кутубхона, ошхона, компьютер хоналари хизмат кўрсатмоқда. Биз ёшлар ҳам шундай шарт-шароитларга муносиб бўлишга ҳаракат қиляпмиз.

Бундан ташқари, 2019 йилда илк бор сайлов жараёнида ҳам бевосита иштирок этдим. «Янги Ўзбекистон — янги сайловлар» шиори остида ўтказилган депутатлар сайловида ўзим учун маъқул ва юртимиз келажаги учун муносиб номзод ва партия вакилига овоз бериш бахтига мушаррраф бўлдим.

Шу боис, ўтган йил мен учун бахтли йил бўлди, дея оламан. Умид қиламанки, янги — 2020 йил ҳам бунданда муваффақиятларга бой бўлади. Эзгу ниятларим кўп. Уларга албатта, чуқур билим олиш, соҳамизнинг барча синоатларини сабот билан ўрганиш, энг муҳими, замон талаблари даражасидаги ахборот технологияси воситаларини ўзлаштириш орқали эришиш мумкинлигини аллақачон англаганман, янада юксак марраларни эгаллаб, юртимиз равнақи учун ўз ҳиссамни қўшаман, албатта.

**Суҳробжон САДИРОВ,**
**Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.**

## САНЪАТ

“Тоҳир ва Зуҳра” достони талқини асрлар давомида тиллардан-тилларга, диллардан-дилларга кўчиб, бугунги кунда яхлит асар сифатида театрлаштирилганини биламиз. Газетамизнинг шу йил 15 январь, 3-сонида ушбу достоннинг тарихи, у асосда ишланган фильмлар, саҳна асарлари ва яқинда Муқимий номидаги мусиқали драма театрида янгидан саҳналаштирилган ана шу достон асосидаги спектакль намойиши таассуротлари қаламга олинган эди. Ушбу иккинчи мақолада эса асар сценарийси ва унинг бардавомлиги, эпоснинг турли вариантлари талқини, саҳнадаги жозибаси ҳақида фикр юритмоқчимиз.

# Муҳаббатнинг мумтоз якуни

*Иккинчи мақола*

“Тоҳир ва Зуҳра” эртак, достон, Саади (*машҳур фольклоршунос олим Ходи Зариф ва В.Жирмунскийнинг “Узбекский героический эпос” китобида айнан “Тоҳир ва Зуҳра” асарининг Саади қаламига мансуб ёзма варианти топилгани қайд этилган Ҳ.А.*) қўлёзмасидаги ифодаларини муайян санъат нуқтаи назардан ўрганилиши фақат томошабин, тингловчининг бадиий эҳтиёжини қондириш борасидаги ҳаракат сифатида кўзга ташланмайди. Афсонанинг рассом полотносидаги, мусиқий ифодасидаги (мусиқали драма, опера), тасвирий ва экрандаги талқинлари жараёнида халқ оғзаки ижодиётининг ўлмас дурдонаси ва профессионал санъатлар ўртасидаги “масофа” кескин равишда қисқаради, айтилган сўз, баён этилган воқеалар, достонларга хос таърифтавсиф қайта идрок этилиб, янги эстетик шаклга кириб бориши асосида кўҳна бадиий тўқима сайқал топиши, аудиовизуал воситалар билан бойиши, меросннинг шоирона руҳи, сержилолиги, мафтункорлиги санъат мухлисларинигина эмас, ижод ва илм аҳлининг эътиборини ҳам тортади.

Мана шундай жўшқин жараёнга сабаб бўлаётган “Тоҳир ва Зуҳра”нинг саҳнада ва экранда намоён бўлиши бевосита фольклор асосида “Хўжа Насриддин” яратилишига Бухоро афсонаси таъсирида битилган сценарий саҳифалари (“Навоий” фильми), “Алпомиш” киносценарийси ёзилиши ва бадиий кенгашда якдиллик билан маъқулланган “Алпомиш” сценарийси яратилишига туртки берди (1946 йил). Мусиқали драма театри эса “Алпомиш”ни саҳналаштирди.

Спектаклни эртак, достон, олим Ҳ.Зарифов топилмаси — шоир Саадининг “Тоҳир ва Зуҳра” қўлёзмаси билан қиёс қилган ҳолда таҳлил қилиш катта тадқиқотнинг асосий қисмларидан бўлиши мумкин. Оғзаки ва ёзма адабиёт — саҳна драматургиясига асос бўлганида рўй берган ўзгаришлар театрнинг янги асари савиясига таъсир кўрсатганми? Бу саволга жавоб изслаганимизда афсонанинг Сибир вариантини ҳам эслаймиз ва мақоламизнинг биринчи қисмида (“Ҳуррият” 15 январь, 2020 йил) келтирган бир муҳим тафсилотга қайтамиз. Оғзаки ижоднинг бу маҳсулотида ҳалок бўлган Тоҳир ва Зуҳра бир дарёнинг икки қирғоғига дафн этиладилар. Лекин 40 кундан кейин “Худо амри билан” Тоҳир қабридан (аслида “Тоҳир бошидан” дейилган) терак ўсиб чиқади. Зуҳра қабридан (унинг ҳам бошидан) ҳам терак ўсиб чиқади. Тангри даъвати билан баландликка чўзилган терак шох-шаббалари бир-бирига туташиб, чирмашиб кетади.

Бутоқларида сайроқи қушлар, лайлаклар уя қўяди. Улар орасида Тоҳир ва Зуҳра қўлни-қўлга бериб (биз мурожаат этган китобда “қучоқлашиб” дейилган) сайр қилиб юрадилар... Спектаклнинг сўнггида, аввало, қайд этганимиздек оппоқ либосдаги парилар оғушидаги Тоҳир ва Зуҳра аста жонли монумент тусида намоён бўладилар...

Айрим тафсилотларни келтирганимиз, таъкидлаётганимиз сабаби миллий кино ва телевидение биз мурожаат этган мерос “қатламларидан” озиқ олишига ишонамиз. Ҳар оқшом 40 дақиқа давом этадиган мазкур сериалларга пойдевор бўладиган бир афсонанинг вариантлари — кўринишлари мўл. Улардаги ўзига хос образли, рамзларга бой, эртак композициясида табиий кўринадиган манзаралар, истиоралар, умуман мажозий ифодаларга тенг қимматли саҳналар, кадрлар изланиши, топилиши зарур бўлар. Шунда Моҳиммнинг узун сочларига сандиқ — Тоҳир қамалган сандиқ илашиб қолмас. Тоҳир ва Зуҳра қабридан атиргуллар ўсиб чиққанида, очилган чоғларида Қоработир қабридан чақир тиканак ўсиб чиқиши каби кўринишларни айнан сақлаб қолиш эмас, уларнинг маъносини, мазмунини кўрсатадиган тасвир, ижро, мусиқа садолари, овоз воситаларини излаш маъқулмиди? Нима бўлганда ҳам бу жараён ижодий кашфиётларга йўл очишига ишонамиз. Зеро, мумтоз шеъриятимизни визуаллаштириш, тасвир, монтаж, мажоз ила намоён этиш учун замин яратилади. Бундай босқичда биз Алишер Навоийнинг “Хамса”сини саҳна, экран талқини йўлларини излаймиз.

Шундай мулоҳазалар пайдо бўлди “Тоҳир ва Зуҳра” спектаклини кўриш, уни идрок этиш асносида.

*Суратларда: “Тоҳир ва Зуҳра” спектакли намойишидан лавҳалар.*

**Ҳамидулла АКБАРОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

## ТАФАККУР

*Ҳар бир гапни ўзгаларга сўзлашдан аввал ўзингга айт*

***Яхшиликларнинг энг фойдалиси садақадир.***
Ҳадисдан.

***Ҳар бир гапни ўзгаларга сўзлашдан аввал ўзингга айт.***
СЕНЕКА.

***Энг оғир йўқотишлардан бири — вақтни йўқотишдир.***
Жорж БЮФФОН.

***Инсон хато қилиб қўйишдан қўрқмас экан, у ёшдир.***
Петр КАПИЦА.

***Ўзгага мурувватли бўл, ўзингга қатиққўл.***
Хитой халқ мақоли.

## ЛУҚМА

# “ХОРОШО”дан “ОКЕЙ”гача

Хизмат юзасидан кўпгина телеграмм гуруҳларидаги ёзишмаларни кузатишга тўғри келади. Уларга асосан ушбу алоқа воситаларига мутасадди бўлган идораларнинг топшириқлари, хабарномалари қўйилади. Ва бир вақтларда бўлганидек, кўнгироқбозликка ҳожат қолмайди ва қоғоз кўтариб ташкилотма-ташкилот юрадиган хабарчи (курьер)нинг иши саноқли дақиқаларда бажарилади. Яъни, гуруҳ аъзолари (деярли барчаси зиёлилар) бирин-кетин узатилган хабарни олганликларини тасдиқловчи сўзларни битишади. Бу яхши, албатта. Аммо ўша битикларнинг аксарияти “ОКЕЙ”дан иборат эканлиги кишини аввал ҳайрон қолдирса, сўнгра кўнгилда: “Ҳозирча ёзмадаги бу сўз, вақт ўтиб оғзакига ҳам кўчмасмикан?” — деган хавотир уйғотади.

Ҳолбуки, ўзбек тилида “ОК...” маъносини ифода этувчи кўплаб синонимлар бор. Дейлик, “тушунарли”, “яхши”, “маъқул”, “хўп”, агар эътироф маъносида бўлса “Офарин”, “Балли”, “Баракалла”, “Қойил”... Қаранг, қандай чиройли сўзларимиз бор! Энг муҳими,уларнинг ҳар бирида ўзбекона одоб мужассам.

Аввалари бирон гапга қўшилиш ёки уни тасдиқлашда “хорошо”, “есть” дейиш урф бўлган эди. Яна айрим ҳолатларда рус тилида гаплашолмасада, яхши тушунмаса-да, гўёки бошқаларда уни мукаммал билувчи сифатида таассурот уйғотиш учун гапи орасига ана шу сўзни қўшиб қўядиганлар ҳам бўлар эди. Энди эса “Окей”...

Яна акаларга “Брат”, укаларга “Братишка” дейиларди. “Бобой” каломи ҳам шу тарзда пайдо бўлган. Бу сўзлар ҳозир ҳам ишлатилаяпти.

Ҳадик шуки, набираларимиз ҳам ҳадемай, “Хўп бўлади, бобожон!” дейиш ўрнига “Окей, грандфатхер!” ёки “Окей, грандфазр!” демасин-да...

Тилимизнинг софлигини асрайлик, азиз зиёлилар!

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
*Сирдарё вилояти.*

## РАССОМ ХАНДАСИ

Муаллиф Ҳусан СОДИҚОВ.

Hurriyat Milliy gazeta

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
*Баҳоси келишилган нархда*

Таҳририятга келган материаллар таҳлил қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Келтирилган фактлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 5100
Буюртма — Г-165
1 2 3 4 5 6

ISSN 2181-0680

ЎзА якуни — 01[20]
Топширилди — 01[50]

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88

*Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.*

Навбатчи: Ҳ.Қодиров. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.